O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 18-MART ■ SESHANBA ■ 33-34 (27.054) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

● МАҲСУЛОТ: ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

«Сифатига кафилмиз

КЕРАК БЎЛСА, ТИББИЙ ТАЛАБИГА ҲАМ ЖАВОБ БЕРАМИЗ»

— Ўтган йили 320 минг жуфт пойабзал тайёрладик. Бу кўрсаткич, албатта, бизни қониқтирмайди, — дейди пойтахтимиздаги «Пойабзалчи» ОАЖ бош директори Мақсудбек Миробидов. — Ҳукуматимиз ўзимизга зарур маҳсулотларни ўзимиз ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳақида гап-сўзлар қила бошлагандан сўнг, ишимиз янада юришаяпти. Дастлаб биз ушбу миқдордаги маҳсулотларимизни ички ишлар ходимлари ва мудофаа вазирлиги ҳарбийлари учун тайёрлаган бўлсак, эндиликда кенг аҳоли қатламига мос яна бежирим пойабзаллар етказиб бера бошладик...

Дарвоқе, бу кўрсаткични корхона ўтган йилнинг иккинчи ярмида 15 миллион сўмлик пойабзал тайёрлаганликларида ҳам кўрса бўлади. Бу йилги мўлжал — 324 минг жуфт пойабзал! Бунинг учун корхона ҳозирданоқ ўз ҳамкорлари билан 1 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб беришга шартномалар тузган.

— Мақсадимиз бозор учун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, — гапини давом эттирди, директор. — Шундай экан, пойабзал тайёрлашда асл матоҳ қолиб сунъий матоҳлардан фойдаланса, келажакда корхонага ҳам, жамиятга ҳам катта зарар етказишимиз мумкин.

Пойабзал саноати ривожининг 70-80 фоизи кимё саноатига боғлиқ. Тўғриси, олимларимиз биз учун зарур чарм маҳсулотларига керак рангларни ҳозирча беролмаяпти. Натижада, ўзимиздаги мавжуд чармдан фойдаланмай, сунъий бўёқли чармнинг асосий қисмини четдан олиб келишга мажбур бўлаяпмиз. Бу эса маҳсулот нархининг ошишига ва биз билан шартнома тузган ташкилотларнинг сотиб олишига қийинчилик туғдирмоқда.

— Ҳозир нега, кўча-кўйларда пойабзал таъмирловчи косиблар кўпайиб кетган, деган ҳақли савол туғилиши табиий, — сўзга қўшилди корхона раҳбари муовини Фозил Ғуломов. — Чунки, одамлар арзонига учиб, яширинча йўллар билан юртимизга келтирилаётган сифатсиз, сертификатсиз ва лицензияси йўқ маҳсулотларни олишаяпти. Ҳолбуки, биз ҳам тайёрлаётган ўз маҳсулотларимиз сифатига кафолат берамиз. Керак бўлса, улар инсон соғлиги учун ҳам фойдали, соғлиққа зарарсизлиги жиҳатдан тиббий талабларга ҳам жавоб беради.

Келгуси йилдан бошлаб, маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилишни ҳам режалаштиряпмиз.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: *«Пойабзал» ОАЖ маҳсулот ишлаб чиқариш цехидан лавҳалар: цех устаси Назира Нодирова ва ишчи Комила Алимовалар тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда; тикувчи Дилдора Муродова иш устида; цехда иш жараёни.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

И.М.Мустафоевни Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Исан Муртазаевич Мустафоев Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

И.М.Мустафоевга Фавқулодда ва Мухтор элчи дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Исан Муртазаевич Мустафоевга Фавқулодда ва Мухтор элчи дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

В.И.Норовни Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Владимир Имомович Норов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 март

Олотда янги қўшма корхона

Етмиш мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Олот туманида шу пайтгача битта ҳам йирик саноат корхонаси йўқ эди. Туман ҳокимлиги ҳудудга чет эл сармоясини олиб кириш мақсадида эски ип йигириш фабрикаси замирида қўшма корхона барпо этиш тадоригини кўришга бултур киришганди. Мана, қисқа муддат ичида туман марказида Ўзбекистон — Швейцария ҳамкорлигидаги «Олоттекс» қўшма корхонаси қад ростлади.

— Лойиҳа қиймати 9 миллион 660 минг АҚШ доллари бўлган корхона «Виматекс», «Элтекс» ҳамда «Трушлер» фирмалари дастгоҳлари билан жиҳозланди, — дейди қўшма корхона раҳбари Жуманазар Абдуназаров. — Энди бу ерда ҳар йили 3300 тонна пахта қайта ишланиб, ундан 2900 тонна ипкалава ҳамда 6 миллион погонометр кўйлакбоп мато ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг ҳаммаси хорижга экспорт қилинади.

— Бу корхона олотликларга Наврўз совғаси бўлади, — дейди туман ҳокими ўринбосари Улуғбек Раҳматов. — Энди дастгоҳларни 280 нафар қишлоқ йигит-қизлари бемалол бошқаришади. Уларнинг аксарияти хорижлик мутахассислардан йигириш ва тўқиш сирларини пухта ўрганишди.

Даврон БАҲРОНОВ

● ХДП ХАБАРИ

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси мажлиси

2003 йилнинг 15 март куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП МК V пленуми ҳужжатлари тўғрисидаги, «Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига 2003 йил учун обуна якунлари ҳақида»ги масалалар муҳокама қилинди ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш комиссияси пленуми

Шу куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Тафтиш комиссиясининг V пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш комиссияси раиси Сирожиддин Аъзамовнинг 2002 йилда Комиссия томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди, МТКнинг 2003 йил учун иш режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми

2003 йилнинг 15 март куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди. Унда, партия Марказий Кенгаши аъзолари, шунингдек, таклиф этилганлар — Марказий Тафтиш комиссияси аъзолари, ХДПдан Олий Мажлисга сайланган қатор депутатлар, вилоят партия кенгашлари котиблари, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидаги шаҳар ҳамда туман кенгашлари биринчи котиблари, партия оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Пленумда Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитасининг 2002 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, ХДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлик фракциясининг 2002 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти, партия ташкилотларининг «Обод маҳалла йили» дастурининг бажарилишидаги иштироки, Ўзбекистон ХДПнинг 2002 йилдаги молиявий ҳисоботи ва 2003 йилга партия бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳамда партия ички ҳаётига оид айрим бошқа масалалар кўриб чиқилди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов «Мамлакатимиздаги парламент ислоҳоти ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Маъруза ва кун тартибидаги масалалар бўйича музокараларда ХДП Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби Муҳаббатхон Абдуллаева, Тошкент шаҳар партия кенгаши котиби Виктор Медведев, Хоразм вилоят партия кенгаши биринчи котиби Баҳодир Бобожонов, «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Акром Иномов, Самарқанд шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Шуҳрат Темиров, Бўстонлиқ туман партия кенгаши биринчи котиби Рихсибой Маҳаматовлар иштирок этдилар.

Пленумда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

BUSINESS BANK
Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

«КАЛАВА»нинг учи қаерда?

Яқин 6-7 йил илгари Жиззаҳдаги ип йигирув фабрикаси маҳсулотлари «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан кўп жойларга жўнатиларди. Бу ерда 1600-1700 киши ишларди. Бугун корхонада иш тўхтаган, цехлар ҳувиллаб ётибди. Нега? Ким айбдор? Корхонанинг тақдири нима бўлади?

Янги корхоналар қуриш, одамларни иш билан таъминлаш, рақобатбардош, сифатли маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш, экспорт қилиш долзарб вазифа бўлиб турган бир пайтда нега айрим тайёр корхоналардан самарали фойдалана олмаяпмиз?

Битта янги корхона қуриш осон бўлмаган ҳозирги шароитда нега таппа-тайёр корхоналар талон-торож қилинмоқда?

Ўн беш гектардан ортиқ майдонни эгаллаган корхона бир кеча-кундузда 12 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга эди. Айтишларича, ўша пайтлари бу ерда 1600-1700 киши меҳнат қилган. Аксарияти шу ерлик қиз-жувонлар бўлиб, улар меҳнатларидан, топган даромадларидан мамнун эдилар. Корхонанинг шуҳрати ошгандан ошиб борар, довруғи анча олисларга ҳам етганди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот — калава иплари сифатли, бозоргир эди.

Йиллар ўтди. Бу орада нима бўлди-ю, Жиззахнинг фахрига айланиб улгурган фабрикага бамисоли «кўз тегди». У аста-секин қолоқлик ботқоғига бота бошлади. Раҳбарлар бири келиб, бири кетар, ойлар ва йиллар ортда қоларди-ю, лекин шундоққина ҳамманинг кўз ўнгида аҳволи оғирлашиб бораётган корхонанинг қаддини тиклайин деган «азамат» топилавермасди. Борабора у иқтисодий инқирозга юз тутди. Санацияга ҳам тортилди. Фойдаси бўлмади. Бугун унинг аҳволи ҳийла мураккаб. ***Салобатли бинолари кимсасиз, цехлари ҳувиллаб ётибди. Миллион-миллион сўмлик қимматбаҳо дастгоҳлари занг босиб, бекор турибди. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланилмаяпти. Синдирилган эшик-деразалар, бузиб ташланган ёрдамчи бинолар, қўпориб олинган темир буюмлару дастгоҳларни кўриб этинг увушади. Қолган-қутган ишчи-хизматчилар ҳам ўтган йилнинг май ойидан буён мажбурий таътилга чиқариб юборилган.***

3-БЕТ

Хайрия ҳашари баракали бўлди

Юртни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, кексалар ва меҳр-мурувватга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш каби барҳаёт қадриятлар халқимиз томонидан асрлар оша эъзозлаб келинаётир. Мамлакатимизда аждодлардан мерос бундай эзгу анъаналарни давом эттириш, инсон камолотидаги ўрнини улғайиб келаётган авлод шуурига сингдиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Бу борада 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг республикамизда санитария-эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўкламги ишларни ташкил этиш ва Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўришга қаратилган Фармойишида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг аҳамияти катта бўлди.

Мазкур Фармойишга биноан 15 март куни республикамизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Ҳашарни ўтказиш Республика ишчи гуруҳидан олинган маълумотларга қараганда, унда 10 миллион нафардан кўпроқ киши иштирок этган. Тадбирда ёшлар, айниқса, фаол қатнашди. Бу улғайиб келаётган авлоднинг қадимий урф-одатларимизга садоқати, Ватан равнақига муносиб улуш қўшишга интилаётганидан далолатдир.

Шу куни 321 минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. Минглаб туп манзарали, мевали ўсимлик ва гул кўчатлари ўтқазилди. Ариқ, зовур ва бошқа сув йўллари тозаланди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

Умумхалқ хайрия ҳашари мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди, барча ташкилот, корхона, муассаса ва маҳаллада кўтаринки руҳда ўтди. Ҳашарда ишлаб топилган қарийб 400 миллион сўм пул «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига йўналтирилди. Бу маблағ республикамизда болалар спортини ривожлантириш, маҳаллалар фаолияти, унинг ёшларни тарбиялашдаги ўрни ва ролини кучайтириш, халқимизнинг эҳтиёжманд қисмини қўллаб-қувватлаш, кексалар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, ижтимоий ҳимоялашга қаратилади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Суратда: *пойтахтимиздаги 126-мактабда ўтказилган хайрия тадбиридан лавҳа.*

Сурхон юртида НАВРЎЗ!

Баҳор Сурхон кенгликларидан бошланади. Бодом илк бор шу юртда гуллайди. Вилоят аҳли Наврўз байрамини ҳам ўзгача шукуҳ билан кутиб олишди.

— Наврўз айёмини қиш бўйи интиқ кутдик, энди деҳқон далага уруғ сочади, — деди вилоят ҳокими Т. Қодиров. — Байрам бошланади.

Қушлар хониши чанқовузнинг дилтортар оҳанглари ила баҳорий туйғулар ҳадя этади. Байрамона безатилган вилоят маркази Термиз шаҳридаги амфитеатр саҳнасида бири-биридан гўзал қизлар хиром этишди, шўх яллалар оламни тутгудек. Куй-қўшиқ, самимий табрик, шеърхонлик, бири-биридан чиройли композициялар томошабинларда катта таассурот уйғотди.

Саҳнага навбатма-навбат кўтарилаётган туманлар, шаҳар ва республика санъаткорлари бири-бирини такрорламайдиган ўзларининг янги-янги чиқишларини намойиш этишди.

Баҳор дийдор муборак бўлсин,
Наврўз дийдор муборак бўлсин!
Сени кўрган кўзларим кулсин,
Бизга дийдор муборак бўлсин!

Саҳнага жажжи болакайлар чиқиб келишади. Бойчечак, ҳо бойчечак, баҳор келди кўзинг оч, — деб куйлаётган болажонларга турналарнинг майин овози жўр бўлади. Каратэчи, полвон болаларнинг спорт ўйинлари намойиш этилади. Юртнинг эртаси бўлган ёш спортчилар даврада кураш тушади. Она дарё — Жайҳун билан Термиз суҳбати орқали Ватанга меҳру муҳаббат туйғулари тараннум этилади.

Ҳар бир ижро этилаётган куй-қўшиқ ва рақслар қадим урф-одатлар, маросимлар, ўзбекона удумлар ҳақида сўзлайди.

Наврўз бошланди. Юртга тўкинлик, элга омонлик, деҳқонга барака олиб келсин.

Ўз мухбиримиз

Мамлакатимиздаги парламент ислоҳоти ва Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари тўғрисида

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК БИРИНЧИ КОТИБИ АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ МАРКАЗИЙ КЕНГАШ V ПЛЕНУМИДАГИ (2003 ЙИЛ 15 МАРТ) МАЪРУЗАСИ*

Маърузанинг дебочасида мамлакатимиз ўтган йилда босиб ўтган машаққатли ва сермаҳсул йўл, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотларнинг давом эттирилганлиги ҳамда унинг жараёнида қўлга киритилган ютуқлар, мавжуд айрим камчиликлар хусусида гапирилди. Маърузачи ортда қолган йилда унинг бошларида бўлиб ўтган референдум асосида республикамизда ***парламент ислоҳотининг*** *сиёсий-ҳуқуқий негизига тамал тоши қўйилганлигини таъкидлади.*

Ўзбекистон ХДП ислоҳотларда баҳоли қудрат иштирок этаётир. Партия уларни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Унинг кўпгина аъзолари, тарафдорлари ва ХДПдан сайланган депутатлар ислоҳотчилик ишларида бевосита қатнашмоқдалар. Партия матбуоти эса ислоҳотлар сиёсати ва унинг натижаларини тарғиб қилмоқда.

Ўзбекистон ХДП ҳам, бутун мамлакатимиз каби, ўтган йил давомида муайян даражада ривожланди*: ғоявий-сиёсий жиҳатдан тобланди, сафларини кенгайтирди, ташкилий томондан бирмунча такомиллашди. Бироқ, шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг қатор чиқишларида, жумладан, Олий Мажлиснинг IX сессиясида мамлакатимиз сиёсий партияларининг* ***«заиф ва мўрт ҳолатда»*** *эканликлари кўрсатиб ўтилдики, бу танқидий баҳо ХДПга ҳам тўла тааллуқлидир.*

Шу муносабат билан, биринчи котиб диққатни партия ташкилотларининг ўтган йилда қилган ишлари ва ва қўлга киритган ютуқларига эмас, балки, улардаги заифлик ҳолати ҳамда сусткашликнинг асосий сабабларини таҳлил қилишга қаратди. Уларнинг биринчиси — ***Ўзбекистон ХДПнинг****, ҳозиргача,* ***том маънодаги парламент партиясига айланмаганлигида****. Кўп ҳолларда, марказий ва маҳаллий партия кенгашлари фаолиятида ҳануз партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун кураш, ХДПдан сайланган депутатлар ва сайловчилар билан ишлаш, партия ташкилотларининг аҳоли ўртасидаги обрўйини ошириш масалалари эмас, балки, ички партиявий ишлар етакчилик қилмоқда. Уларнинг фаолиятига баҳо беришда ҳамон партияга қабул қилиш, аъзолик бадалларини йиғиш, матбуот нашрларига обунани ўтказиш каби жорий ишлар асосий мезон сифатида қўлланилмоқда.*

Маърузада айтилишича, партиядан сайланган 49 нафар Олий Мажлис, икки мингдан зиёд Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари салоҳиятидан фойдаланишда ҳам ишга солинмаган имкониятлар талай. Масалан, Олий Мажлисдаги партия фракцияси ўтган йили муайян ишларни амалга оширди. Бироқ, фракция фаолиятини умуман ижобий баҳолаган ҳолда, унда айрим масалалар бўйича ташаббускорлик, қатъийлик етишмаслигини айтмасдан илож йўқ. Фракция етилган ижтимоий-сиёсий муаммолар юзасидан ўзининг нуқтаи назарини очиқ билдирмаяпти, қонунлар лойиҳаларига оид Олий Мажлисга берилган таклифларининг қабул қилиниши учун етарлича курашмаяпти.

*Давлат ҳокимияти маҳаллий Кенгашларидаги ХДП депутатлар гуруҳлари аксариятининг ишлари ҳам суст. Уларнинг энг яхшилари (чунончи, халқ депутатлари Қарши ва Гулистон шаҳар ҳамда Уйчи туман Кенгашларидаги каби депутатлик гуруҳлари) сессия арафасида қисқа муддатга йиғиладилар, холос. Кўплари эса шуни ҳам қилмайдилар. Улар сессияларда фаоллик кўрсатмайдилар, халқни ташвишлантираётган муаммоларни кўтариб чиқмайдилар. Минтақавий ва маҳаллий партия ташкилотлари эса бу каби ишларга аралашмасликни афзал кўрадилар. Ваҳоланки, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «****... Қўлга киритган марралар билан бир қаторда, қанчақанча одамларимизнинг норозилигини уйғотаётган, жамиятимизни орқага тортаётган муаммо ва нуқсонлар, йўл қўйилган камчилик ва хатолар мавжудлиги ҳақида гапириш ортиқча бўлмайди****». Ҳозирча, депутатларимиз, фаолларимиз ҳеч ким билан муносабатни бузмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Бизнинг сайловолди ваъдаларимиз, халққа сидқидилдан хизмат қилишлик бурчимиз, қатъиятлилик ва сиёсий иродамиз қаерда қолди экан?*

Партиянинг сусткашлиги ёки фаоллиги, кўп жиҳатдан, унинг сайланма органлари ва маҳаллий ташкилотлари фаолиятининг жўшқинлиги, унинг долзарб масалаларда ҳозиржавоблигига боғлиқ. Афсуски, Ўзбекистон ХДП, ўзининг Марказий Кенгаши, маҳаллий ташкилотлари, матбуот нашрлари, Олий Мажлисдаги фракцияси тимсолида, ислоҳотлар ҳозирги босқичининг жамиятда муҳокама қилинаётган муҳим муаммолари юзасидан, ўз нуқтаи назарини расман билдирмаяпти. Ушбу масалада Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовдан ўрнак олиш керак. Мамлакатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 17 февралида бўлиб ўтган мажлисида,

мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришларнинг ижобий томонларини кўрсатиш билан бирга, ***иқтисодий ислоҳотларнинг тўлиқ эмас, чала-ярим ҳолда амалга оширилаётганини*** *очиқ кўрсатиб ўтдилар. «...****Иқтисодиётимиздаги ўсиш суръатлари, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлар,*** *— уқтирдилар Юртбошимиз,—* ***ҳеч шубҳасиз, бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди****».*

Марказий Кенгашнинг қатор масъул ходимлари ўтган йилнинг охири—жорий йилнинг бошларида Фарғона водийси, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳридаги қатор туман ҳамда шаҳар партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, ХДПдан сайланган депутатлар билан учрашиб, жойлардаги аҳволни ўргандилар. Суҳбат ва мулоқотлар шу нарсани кўрсатдики, партия фаоллари ислоҳотларнинг жойларда оқсаётганлигини, уларнинг ўтказилишида қатор тўсиқ ва камчиликлар бор эканлигини, биладилар. Лекин, партия ташкилотлари етакчилари ва депутатларимиз бундай камчилик ва нуқсонлар ҳақида расман гапиришни, негадир, маъқул кўрмайдилар?!

Ёки, тадбиркорликнинг кенг ривожланишига халақит бераётган, порахўрлик ва коррупцияга олиб келаётган, тўрачилик ва сансалорликни олиб кўрайлик. Республика матбуотида эълон қилинаётган мақолаларда шундай жирканч иллатнинг аниқ намоён бўлиши тўғрисида кўплаб далил ва маълумотлар келтирилмоқда, кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида хабар берилмоқда. Афсуски, бундай танқидий чиқишлар муаллифлари орасида партиямиз фаолларини деярлик учратмайсиз. Аммо, танқидий чиқишлар муаллифлари орасида биронта партия ташкилоти раҳбарини учратмайсиз. Улар мажлис ва йиғилишларда ҳам, матбуот саҳифалари, телевидение ва радиода ҳам бундай масалаларни кўтариб чиқмайдилар. Тан олиш керак, Марказий Кенгаш ҳам бу ишда ўрнак бўлмаётир.

Биз бу билан барчани танқидбозликка, камчиликларни атайин излаб топишга даъват этмоқчи эмасмиз. Аксинча, биз ҳар томонлама асосланган, ижобий, хайрихоҳлик руҳидаги танқид, камчиликларни бартараф этишга баҳоли қудрат кўмаклашиш тарафдоримиз. Бу камчиликларни хаспўшлашдан уларни фаол равишда муҳокама қилишга ўтиш, муаммолар ҳақидаги ўз нуқтаи назаримизни очиқ билдириш деганидир. Бу, шунингдек, депутатлик гуруҳларимиз, партия сайланма органлари, фаолларимизнинг жўшқин саъй-ҳаракатлари билан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари томонидан, камчиликларни бартараф этиш ва муаммоларнинг ечилишига эришишига ҳисса қўшиш ҳамдир. Бундай йўл, албатта, бизга мўртликдан қутулишимизга кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

Маълумки, сиёсий партиялар фаолиятининг самарадорлиги фақат уларнинг ўзларигагина боғлиқ эмас. Улар — жамиятнинг маҳсули, халқнинг муайян таркибий қисми. Партиялар аҳолининг сиёсий жиҳатдан онгли, илғор дунёқарашли, кўпчилик манфаатлари учун курашишга тайёр қисмини бирлаштирадилар. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолисининг дунёқарашида туб бурилиш юз берган, маънавий дунёси янгиланаётган бўлса-да, бироқ, унинг сиёсий маданияти ва фаоллиги, ижтимоий тажрибаси ҳали у даражада етарли эмас. Шу боис, ватандошларимизнинг муайян қисмида сиёсий партияларга нисбатан боқимандалик, беписандлик, лоқайдлик, уларга ишонмаслик, ҳаттоки, улардан ҳадиксираш кайфиятлари кўзга ташланади. Бу ҳолнинг ташкилотларимиз фаолиятига салбий таъсир этмаслиги мумкин эмас.

Сиёсий партияларнинг тўлақонли ишлашлари учун тегишли шарт-шароитларнинг бўлиши ҳам талаб қилинади. Ушбу шароитларни вужудга келтириш, кўп жиҳатдан, сиёсий партияларнинг саъй-ҳаракатларига ҳам боғлиқ. Мамлакатимизда сиёсий партиялар учун кенг йўл очиб берувчи Конституция мавжуд, уларнинг мавқеи ва фаолият доирасини белгилаб берган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун, турли меъёрий ҳужжатлар амалда. Аммо, сиёсий партияларнинг, ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали, давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этишлари тўғрисидаги, Ўзбекистон Конституциясининг 60-моддасида ёзиб қўйилган, қоидани амалда таъминлаш мурватларини яратиш лозимлигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Ҳар қандай қонун, қоида ижроси билан муҳим. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлисдаги фракциялари ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини молиялаш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш масалалари ҳам тобора долзарблик аҳамиятига эга бўлмоқда. Энг асосийси, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги матнида сиёсий партияларнинг жамиятимиздаги масъулиятини, парламент ислоҳоти боис, оширишнинг Президентимиз И.А.Каримов, хусусан, Олий Мажлиснинг IX ва X сессияларида кўрсатиб ўтган омил ҳамда жиҳатларини ҳуқуқий-меъёрий қоидалар сифатида мусатаҳкамлаб қўйилиши айни муддао бўлган бўлур эди.

Маърузада сиёсий партияларнинг ўз дастурий ғояларини оммага етказишлари, уларнинг аҳоли ўртасида кенг танилишларида, фаолиятларидаги хато ва камчиликларнинг бартараф этилишида оммавий ахборот воситалари аҳамиятининг катталиги қайд этиб ўтилди. Партияларнинг ададлари ончалик катта бўлмаган ўз матбуот нашрларигина уларнинг мақсад ва фаолиятини ёритиб келмоқдалар. Бошқа оммавий ахборот воситалари эса, кўпроқ, одамларнинг сиёсий партиялардан ихлосини қайтарувчи ашёларни тарғиб қилишни маъқулроқ кўрадилар, шекилли. Ваҳоланки, сиёсий партияларнинг жамиятдаги нуфузли кучга айланиши оммавий ахборот воситаларининг ўзларини «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилишлари, яъни, ҳақиқатда, мустақил бўлишлари учун муҳим аҳамиятга эга. Маърузачи ХДП МК ва маҳаллий ташкилотларининг бошқа оммавий ахборот воситалари билан ишлашида нуқсонлар борлигини ҳам айтиб ўтди.

Маърузада партиянинг жорий йилдаги фаолиятининг ***устувор вазифалари*** *ҳақида сўз борди. Уларнинг биринчиси —* ***партиянинг парламент ислоҳотидаги иштирокини фаоллаштириш****. Бунинг учун, энг аввало, Олий Мажлисдаги партия фракциясининг қонун яратувчилик ишларида янада самаралироқ қатнашишини таъминлаш лозим. ХДПдан сайланган депутатлар Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати тўғрисидаги қонунлар лойиҳасини тайёрлаш ва унинг қабул қилинишига муайян ҳисса қўшдилар. Навбатда — сайловлар тўғрисидаги қонунларни янгилаш. Мазкур қонунларни эскирган қоидалардан холи қилиш билан бир қаторда, эндиликда, чинакам демократик тамойилларга тўғри келмайдиган қоидаларнинг улардан ўрин олишига йўл қўймаслик ҳам лозим.*

Партия Олий Мажлисдаги фракциясининг фаолиятига тааллуқли яна бир жиддий масала, бу — «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунни бугунги кун воқелигига мослаштириш ишида фаол иштирок этиш. 1996 йилда қабул қилинган ушбу ҳужжат сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий негизини мустаҳкамлади, уларнинг мақоми, ҳуқуқ ва бурчларини белгилади, Олий Мажлисдаги партиялар фракциялари ва халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари тўғрисидаги қоидаларни ўзида мужассамлаштирди. Шу билан бирга, ушбу ҳамда бошқа қонунлардаги айрим чеклашлар, баъзи бир ҳуқуқий-меъёрий қоидаларни амалга ошириш мурватларининг ишлаб чиқилмаганлиги сиёсий партиялар фаолиятини иқтисодий жиҳатдан таъминлашда қийинчиликлар туғдирмоқда. Депутатларимизнинг мазкур ва сиёсий партиялар фаолиятига дахлдор бошқа қонунларнинг янги таҳрири устида ишлаш жараёнида партияларнинг Олий Мажлисдаги фракциялари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ишини давлат ҳамда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаш тўғрисидаги ва шу каби, юқорида таъкидланган қийинчиликларни бартараф этувчи, бошқа таклифларни киритиб, уларнинг тегишли моддаларда акс эттирилишига эришишларига ҳисса қўшишлари ўта муҳимдир.

Олий Мажлисдаги партия фракцияси ишини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга эришиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан яхшилаш (ушбу мақсадда Қорақалпоғистон республика ва Қашқадарё вилоят, қатор шаҳар ва туман партия ташкилотларининг ХДПдан сайланган депутатларнинг ўз вазифаларини бажаришлари ҳақидаги ахборотларини тинглаш амалиётидан, Самарқанд шаҳар партия ташкилоти ҳузурида 10 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган депутатлар клуби иш тажрибасидан фойдаланиш) ҳам шу куннинг талабларидандир.

Партиянинг кейинги устувор вазифаси *— навбатдаги сайловларгача қолган вақт ичида* ***ўз ташкилотлари, депутатлик фракцияси ва гуруҳлари, матбуоти эътиборини ўткир ижтимоий-иқтисодий масалаларга кескин кучайтиришдан иборат****. ХДП маҳаллий ташкилотлари ва ундан сайланган депутатлар фуқароларни безовта қилаётган иқтисодий, ижтимоий ва коммунал хизмат муаммоларидан кўз юммасликлари керак. Чунончи, уй-жойларни иситиш, иссиқ ва совуқ сув, электр қуввати ва табиий газ учун тарифлар (нархлар)нинг ўсиши инфляция ва индексациялашнинг расман қайд этилган суръатларидан анча юқори бўлмоқда ва бу истеъмолчиларда муайян норозилик кайфиятларини туғдириши турган гап, албатта. Олий Мажлисдаги партия фракцияси ва халқ депутатлари тегишли Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимизнинг мутасадди идоралар раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиб, бундай аҳволнинг сабабларини аниқлашлари, унинг натижалари ҳақидаги ўзларининг, партиямиз нуқтаи назарига асосланган, хулосаларини очиқ эълон қилишлари мақсадга мувофиқдир.*

Партиянинг қишлоқ ташкилотлари ва тегишли депутатлик гуруҳлари ширкатлар, тайёрлов идоралари ва қайта ишлаш корхоналари айрим раҳбарларининг ишлаб чиқарувчилар билан битиладиган шартномаларни тузишдаги қонундан чекинишлари, ўз зиммаларига олган мажбуриятларни, кўп ҳолларда, бажармаётганликлари ҳамда баъзи бир ҳокимликларнинг уларнинг хўжалик ишларига ноўрин аралашаётганликлари сабабли жиддий моддий зарар кўраётган фермер ва деҳқонларни, ўз имкониятлари доирасида, ҳимоя қилишлари айни муддаодир. Даврий матбуотни кўриб чиқсангиз, юқорида айтилган нуқсонларнинг ҳаётда кенг илдиз отганлигига тўла ишонч ҳосил қиласиз. Аммо, газетамиз бундай муаммоларни кўтараётган бир пайтда, партия ташкилотлари, депутатларимиз жим юрмоқдалар. Томошабин ҳолатида туриб, заифликлик, мўртликдан қутулиб бўладими?!

Ушбу масалада бизнинг нуқтаи назаримиз қуйидагича: фермерлар, деҳқонлар, ширкат хўжаликлари аъзолари ўзларини том маънодаги мулк соҳиблари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳақиқий эгалари, деб ҳис этишлари, ҳам ички, ҳам ташқи бозорга ўз маҳсулотларини эркин чиқариш имкониятига эга бўлишлари лозим. Аммо, афсуски, фермер ва ширкат хўжаликлари тўғрисидаги, шунингдек, мазкур йўналишдаги бошқа қонунлар тўла ишлаяпти, деб бўлмайди.

Маърузада мамлакатимиз аҳолисининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан таъминлаш муаммосига тўхталиб ўтилди. Ушбу масалага оид давлат дастури қабул қилинганлиги, ҳар йили минглаб қўшимча иш ўринлари яратилаётганлиги, ишсизлик нафақаларини тўлаш амалиёти жорий қилинаётганлигига қарамасдан, жойларда, бу йўналишдаги сиёсатни амалга оширишдаги мавжуд нуқсонлар, қишлоқларда инфратузилмалар, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга доир дастурларнинг тўлиқ бажарилмаётганлиги ва бошқа сабаблар боис, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг бир қисми бошқа ҳудудлардан иш излашга мажбур бўлаётир. Ушбу муаммо ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги лозим.

*Аҳоли моддий турмушига дахлдор «истеъмол саватчаси» масаласига партиянинг ёндашуви ҳам маърузада баён этилди. Одатда, бундай «саватча» таркибига инсон ҳаёти учун энг зарур товарлар ва хизматлар қийматлари киради. Энг кам «истеъмол саватчаси»нинг қиймати эса, бутун дунёда, тирикчилик учун зарур энг кам миқдордаги истеъмолни расмий баҳолаш учун асос қилиб олинади. Конституциямизнинг 39-моддасидаги: «****Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас****», деган қоиданинг ҳаётга татбиқ этилишида партия Марказий Кенгаши ва ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси ўз ўринларини топишлари лозим.*

Агар биз партиямизнинг сусткашлигини бартараф этмоқчи бўлсак, унинг сайловчилар, барча аҳоли ўртасидаги обрўйини оширмоқчи бўлсак, фуқаролар манфаатлари йўлида, қонунлар доирасида, янада фаолроқ саъй-ҳаракатлар қилмоғимиз шарт.

Партия олдида турган ***яна бир устувор вазифа — нодавлат нотижорат ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш ва такомиллаштиришдир****. Жаҳон ва ўз тажрибамиз кўппартиялилик шароитида нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан қалин ҳамкорлик қилиш лозимлигидан далолат бермоқда. Шу муносабат билан, партиямиз барча бўғинлари ва матбуот нашрларининг, яқинда ҳукумат томонидан қабул қилинган, «Обод маҳалла йили» дастури тадбирларида фаол иштирок этишлари муҳим аҳамият касб этади. Тошкент ва Хоразм вилоят партия кенгашлари «Маҳалла» жамғармасининг тегишли бўлинмалари билан ҳамкорлик шартномаларини тузишдилар. Зарбдор, Шаҳрихон ва қатор бошқа партия ташкилотлари мазкур жамғарманинг маҳаллий бўлимлари ёки маҳалла қўмиталари билан биргаликда шу йил давомида ўтказиладиган тадбирлар режасини қабул қилдилар. Бу тажрибани кенг ёйиш керак.*

Партиянинг барча даражалардаги тузилмалари, умумий сони республикада уч мингтадан ошган, жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тегишли бўлинмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари зарур.

Шундан сўнг, маърузада, партиянинг жорий йилдаги устувор вазифаларини адо этиш учун бажарилиши лозим бўлган, қуйидаги долзарб масалаларга эътибор қаратилди: ***ХДП ташкилотлари фаолиятини баҳолашнинг парламент партиясига хос замонавий мезонларини ишлаб чиқиш; партиянинг ҳудудий тузилмаларини шакллантиришни поёнига етказиш; партия марказий нашрларини молиялаш масаласини бозор муносабатлари талаблари асосида такомиллаштириш; фаолияти талабдан ортда қолаётган партия ташкилотларини кадрлар билан мустаҳкамлаш*** *ва бошқалар.*

Пировардида, маърузачи партиянинг ҳар бир ташкилоти, ҳар бир депутати, фаоли, матбуот нашри ходимларини, ўз бурчини чуқур идрок этган ҳолда, мустақил Ватанимиз равнақи йўлида уйғунлик ва жонкуярлик билан ишлашга даъват этди.

** Маърузанинг мазмуни қисқача баён тарзида берилмоқда.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 18 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	582,90	1 Малайзия рингтити	255,01
1 Англия фунт стерлинги	1538,84	1 Польша злотийси	241,48
1 Дания кронаси	141,06	1 СДР	1327,11
1 БАА дирхами	263,80	1000 Туркия лираси	0,59
1 АҚШ доллари	968,92	1 Швейцария франки	714,75
1 Миср фунти	170,58	1 ЕВРО	1047,60
1 Исландия кронаси	12,42	10 Жанубий Корея вони	7,82
1 Канада доллари	658,68	10 Япония иенаси	82,19
1 Хитой юани	117,06	1 Россия рубли	30,88
		1 Украина гривнаси	181,63

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Андижонда ерга чигит тушди

Диёримизда сўлим баҳор нафаси. Қир-адирлар кўмкўк. Боғларда дов-дарахтлар чаман бўлиб очиляпти. Деҳқонлар енг шимариб, ерга барака уруғини қадашга киришдилар.

Андижон вилоятининг кўпгина туманлари хўжаликларида чигит экиш ишлари айни авжига олган. Избоскан туманининг Абдусамат Тиллабоев номли ширкат хўжалигида шу кунгача 450 гектар ерга уруғ ташланди. Бу ерда чигитни плёнка остига «гербицид» дориси билан бирга экиш тажрибасини республикамиз вилоятларидан келган мутахассислар ўрганиб қайтмоқдалар.

Хўжаликда айни чоғда 10 та экиш сеялкаси ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бири кунига 8-10 гектар майдонга уруғ ташламоқда. Деҳқонлар бу йил 787 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 ярим центнердан ҳосил олишни режалаштирганлар.

✧✧✧

Суратда: хўжалик далаларида чигитни плёнка остига экиш жараёнларидан бир лавҳа.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

Наврўзга пешвоз

Зарафшон дарёси қирғоқларига туташ «Ғовшин» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудига кирувчи 18 та қишлоқ ҳамда 3 та маҳаллада ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш юмушлари пиру комилимиз — Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари таваллудининг 900 йиллиги муносабати билан одатдагидан анча эрта бошлаб юборилган. Шу боис ҳамма ер бугун ажиб манзара касб этмоқда. Хусусан, Бухоро — Тошкент автомагистраль йўлининг шу ҳудудидан ўтувчи қарийб саккиз километри икки тарафига анвойи гуллар экилди, ҳар хил чиқиндилардан тозаланди.

— Хўжалигимиз улуғ аллома номи билан аталиши ҳам зиммамизга катта масъулият юклайди, — дейди А.Ғиждувоний номли ширкат хўжалиги раиси Неъмат Қудратов. — Истиқомат қилаётган 16 минг аҳолининг ҳар бири маҳалла, кўча ва йўлаклар атрофига бир донадан кўчат экишди. Зиёратгоҳу қабристонлар ободонлаштириляпти.

— «Ғовшин» — чор атрофи боғ, сўлим маскан, дегани — дейди фуқаролар йиғини раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Ҳумор Ҳамроева. — Биз бу гўшани янада обод қилиш учун мамлакатимизда ўтказилган хайрия шанбалигини умумхалқ байрамига айлантириб юбордик.

Ҳа, 50 та кичик корхонаси, 1,5 минг қўли гул ҳунармандлари ва юзлаб фидойилари бор хўжалик барча қишлоқлари қадимий байрамимиз — Наврўзи оламни ғайрат-шижоатлари жўш урган, янги боғ-роғлар яратган, даласига умид билан чигит қадаган, дилида шукроналикни туйган ҳолда кутиб олмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ

АНЖУМАН

Мукаммал дарслик — ҳаётий зарурат

Тошкент педагогика коллежида «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими учун ижтимоий-гуманитар фанлардан яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалар тақдимоти, уларнинг мазмун-моҳияти бўйича таклиф-мулоҳазаларни ўрганиш» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Давр руҳига мос, миллий истиқлол ғоясини ўзида акс эттирувчи тўлақонли дарсликлар ва ўқув адабиётларини яратиш мамлакатимиз таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

2001 йилда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимини дарслик ва ўқув адабиётларининг янги авлоди билан таъминлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Ушбу қарор бўйича 2002 йил тизимда режадаги 52 номдаги дарслик ўрнига 196 номдаги адабиётлар яратилиб, нашр қилинди. 2003 йилда режа бўйича 439 фан йўналиши бўйича дарслик ва ўқув адабиётлари яратилиши зарур. Шу кунгача (яъни, март ойи бошига қадар) уларнинг 158 номдагиси яратилди. Бундан ташқари, яна 306 дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш бўйича муаллифлар билан шартномалар тузилди.

Бироқ бу билан аҳвол қониқарли деган хулосага келиб бўлмайди. Муваффақиятлар билан бирга камчиликлар ҳам етарли.

Аввало, бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарсликлар яратиш суст кечаётганини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, ўқувчига тавсия этилаётган дастурлар мураккаблик нуқтаи назаридан олий ўқув юртлари талабаларига ҳам оғирлик қилади. Бинобарин, етук кадрлар тайёрлаш учун биринчи галда талабга тўла жавоб берадиган ва яхши, сифатли дарсликлар керак.

Семинарда дарсликлар муаллифларининг фикрлари эшитилди, таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Мукаммал дарсликлар ҳаётий зарурат эканлиги, узлуксиз таълим тизими учун дарслик ва ўқув адабиётларининг янги, замон руҳига мос намуналарини яратиш лозимлиги таъкидланди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ

НУҚТАИ НАЗАР

Солиқ, бюджет ва ... савоб

СОЛИҚСИЗ ДАВЛАТ, ДАВЛАТСИЗ СОЛИҚ БЎЛМАЙДИ. БУ ИККИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ ДОИМ ДИАЛЕКТИК БОҒЛАНИШДА БЎЛГАН ВА БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ...

Жамият тараққиётида солиқнинг ўрни эндиликда ҳаммага маълум. Солиқсиз давлат, давлатсиз солиқ бўлмайди. Бу икки иқтисодий-ижтимоий категория доим диалектик боғланишда бўлган ва бўлиб қолаверади. Чунки, ҳар қандай давлатда эркин, фаровон турмуш тарзини барпо этиш йўлидаги ҳаракатларнинг молиявий асоси — давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар эвазига шаклланади. Бу таърифдан шундай хулоса чиқадики, биз солиқ тўловчи сифатида ўз оддий мулкимизнинг солиқ қонунчилигида белгиланган бир қисмини давлат бюджетига ўтказишимиз билан давлат ва халқ манфаати кўзланган тадбирларга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Мен бу ҳиссани давлат бюджети орқали бошқаларга улашилган савоб деб таърифлаган бўлардим.

2003 йилда солиқлар ҳисобига жамғарилган бюджет даромадларининг 38 фоиздан кўпроғи ижтимоий-маданий тадбирларга, яъни таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, спорт, илм-фан, маданиятни юксалтириш ва бошқа халқ фаровонлиги билан боғлиқ харажатларга сарфланади. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш, айниқса ночор ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш ҳам бюджет харажатларининг салмоқли қисмларидан бўлиб, давлат бюджетига тўланган солиқларнинг салкам 8 фоизи ана шу эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилади. Албатта, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг ҳозирги бошланғич палласида давлат даромадларининг анчагина улушини иқтисодиётни ривожлантиришга, марказлашган инвестиция дастурларини молиялаштиришга сарфламасдан бошқа иложи ҳам йўқ.

Шу ўринда табиий бир савол: солиқ мамлакат ривожига, халқ фаровонлигига хизмат қилса, нима учун солиқ ва солиқ тўловчилар муносабатларида номутаносиблик бор? Яъни жамият солиққа муҳтож, солиқ тўловчи эса солиқдан қочади. Бу эҳтиёжнинг солиқларнинг мажбурий ундирилишида ва солиқ тўловчиларнинг солиқдан бўйин товлашга мойиллигида намоён бўлмоқда.

Солиқларга нисбатан маданий, маърифий муносабатда бўлишни шакллантириш реалликми ёки беҳуда уринишми? Албатта реаллик. Лекин бу реал муносабатни икки усулдаги амалий тадбир орқали даниятни шакллантиришга қаратилган тадбирларимизда муносабатлар тизимининг энг муҳим тармоғи — моддий неъматлар манбаи — солиқ тўловларига савоб соҳиби сифатида қараш маданиятига эътибор берилмаяпти. Тўғри, солиқ тўловчига савоб соҳиби сифатида маънавий даража беришга ҳали вақт эртадир. Лекин, масаланинг муҳим жиҳати шундаки, солиқлар фуқаролик бурчи ҳосиласи сифатида давлат бюджетига тўланади. Лекин минг афсуски, ҳозирги вақтда айрим солиқ тўловчилар айнан шу маънавий мувозанатга дахл этишига сабабчи бўлиб, халқ манфаатлари учун хизмат қилувчи солиқларни (қонунда белгиланган улушни) тўлашни ўзларига эп кўрмаяптилар ва ҳатто қасддан бўйин товлашни одат қилганлар кам эмас. Бу эса солиқ муносабатларида маънавий қашшоқликнинг яширин фаолияти кучайишига олиб келмоқда.

Яширин фаолиятга берилиб, бюджет тўловларига «қасд» қилиш — бу, аслида савоб ишга хиёнат қилиш демакдир. Ҳолбуки, солиқ тўловлари ҳам фуқаролик бурчи сингари отабоболаримиз қони билан бизгача етиб келган удумларимиздан бири. Лекин, негадир, баъзи солиқ тўловчилар ҳар хил маънавий муҳитда вояга етганлари учунми, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳам тоталитар режимга асосланган, халқ эрки бўғилган собиқ иттифоқнинг сохта ғоялари таъсирида шаклланган дунёқарашларидан ҳали-ҳануз қутула олмаяптилар.

*Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2002 йил давомида солиқ қонунчилигига оид ҳукуматимизнинг қатор қарорлари қабул қилинди. Шулардан бири **«Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил, 26 ноябрь) қароридир. Бу қарорга илова этилган **«Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тўғрисида»**ги Низомда бозор, улгуржи савдо, чакана савдо ва турғун савдо шахобчаси тушунчаларининг бозор иқтисодий муносабатлари даврига хос назарий тафсилотлари берилди. Шунингдек, улгуржи ҳамда чакана савдо фаолиятларини рўйхатдан ўтказиш ва амалга оширишнинг шартлари ҳамда рухсат гувоҳномасини олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар таркиби тасдиқланди.*

Солиқлар умумхалқ манфаатларини ҳимоя қилади ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда молиявий манба вазифасини бажаради. Шундай экан, солиқ тўлаш — бу савоб улашиш дегани ҳамдир. Буни, назаримда, том маънода тушуниш учун мукаммал солиқ муносабатлари тизими пойдевори — маънавий баркамол, саховатпеша ва соҳибкаромат инсонларни тарбиялаш зарур. Бозор муносабатларига ўтиш даврининг энг муҳим маънавий юксалиш тадбирларидан бири ҳам шу, деб ўйлайман. Негаки, Президентимиз томонидан бозор муносабатлари муаммоларининг ечими ислоҳий фаолликда эканлиги ойдинлаштирилган бир паллада солиқ соҳасида рўй бераётган яширин фаолиятнинг давосини топмасак, ҳозир ҳам, эртага ҳам оғир оқибатларга дуч келишимиз мумкин. Чунки, яширин фаолиятни кашф қилаётганлар ҳам одамларнинг ўзи, унга барҳам бериш ҳам улар қўлида. Ҳамма гап — боя айтганимиздек, маънавий маданият ва маънавий баркамолликда.

Тошпўлат МИРЗАЕВ,
Солиқ ва божхона органлари академиясининг «Солиқлар ва солиққа тортиш» кафедраси бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

«КАЛАВА»нинг учи қаерда?

Яқин 6-7 йил илгари Жиззахдаги ип йигирув фабрикаси маҳсулотлари «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан кўп жойларга жўнатиларди. Бу ерда 1600-1700 киши ишларди. Бугун корхонада иш тўхтаган, цехлар ҳувиллаб ётибди. Нега? Ким айбдор? Корхонанинг тақдири нима бўлади?

Янги корхоналар қуриш, одамларни иш билан таъминлаш, рақобатбардош, сифатли маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш, экспорт қилиш долзарб вазифа бўлиб турган бир пайтда нега айрим тайёр корхоналардан самарали фойдалана олмаяпмиз?

Битта янги корхона қуриш осон бўлмаган ҳозирги шароитда нега таппа-тайёр корхоналар талон-торож қилинмоқда?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Нега бундай бўлди? Шундай катта фабрика нима сабабдан тўхтаб қолди? Хомашё йўқми? Балки маҳсулотни сотиш муаммо бўлгандир? Ёки йирик ишлаб чиқариш корхоналари бозор иқтисодиёти талабларига мос эмасдир? Умуман, фабрикани ишлатишнинг, бекор қолган одамларни иш билан таъминлашнинг, унинг аввалги мавқеини тиклашнинг иложи борми?

1

*— Борликка бор-ку-я, — дейди **фабрика акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Тўра ТОШҚУЛОВ,** — бу борада дастлабки қадамлар ҳам қўйилган. «Навоикорпорейшн» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси келишув битимига асосан акция пакетларимизга эгалик қилаяпти. Дастлаб ёрдам тариқасида 92 миллион сўм маблағ берди. Шундан 38 миллион сўмига қисман таъмирлаш ишларини амалга оширдик, 10 миллион сўмни ишдан чиққан дастгоҳларни тузатишга сарфладик, 32 миллион сўмга 200 тонна пахта хомашёси сотиб олдик, қолганини иш ҳақига ажратдик. Хомашёмиз ярим йилга аранг етди. 108 тоннадан кўпроқ калава ип ишлаб чиқардик. Хомашё тугаши билан республика Енгил саноат уюшмаси бизни ўз таркибидан чиқаришга қарор қилди. Зарар кўриб ишлаётган корхона кимга ҳам керак? Ўзўзидан пахта хомашёси учун квота ололмай қолдик. Чоп-чоп қилиб, охири вилоят ҳокимлигининг аралашуви билан ўтган йилнинг март ойида яна уюшма таркибига кирдик ва 100 тонна хомашёга квота беришди. Шундан 8 тоннасини олиб, бир ойча амаллаб турдик. Бу орада санация муддати тугаб, ҳисоб рақамимизни ёпиб қўйишди. Натижада, қолган 92 тонна пахтани ололмадик. Ҳисоб рақамимизни очишларини сўраб ялиндик, ёлвордик. Бўлмади. Фабрика тақа-тақ тўхтаб қолди. Хозир кунига 2 тонна калава ишлаб чиқариш имконига эгамиз. Афсуски, хомашё йўқ.*

*— Молиявий аҳволини соғломлаштириш мақсадида корхона санацияга туширилди, — дейди **иқтисодий ночор корхоналар ишлари вилоят бошқармаси бошлиғи Акбар АЗИЗОВ**. — Санациядан сўнг «Навоикорпорейшн» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси кредиторларнинг қарзларини шу йил 1 январга қадар тўлаб беришни зиммасига олди. Бироқ, ҳали бир сўм ҳам тўламаган. Солиқдан бўлган қарздан эса акциядорларнинг мулки бўлган дастгоҳларни сотиш эвазига қутулдик. Бу амалдаги қонунларимизга мос эмас. Аҳвол шундай давом этаверса, билмадим, фабриканинг эртанги куни қандай бўлади?*

2

*— Солиқдан бўлган қарзларни вилоят хўжалик судининг қарорига биноан шаҳар солиқ инспекцияси далолатномаси асосида ёрдамчи дастгоҳлар, яроқсиз ҳолга келиб қолган асбоб-ускуналар ҳисобига тўлаяпмиз, — деб важ кўрсатди **фабрика раҳбари.** — Ҳаммаси қонун доирасида, кўчмас мулк биржаси орқали расмийлаштирилмоқда. Иқтисодий ночор корхоналар бошқармасига келсак, улар аслида биз кабиларга ёрдам беришлари керак! Амалда эса...*

*— Фабрикага ишга кирганимга ўн беш йил бўлди, — дейди **Мавлуда Йўлдошева.** — Мутахассислигим: муҳандис-технолог. Мажбурий таътилга чиққанимизга ҳам саккиз ойдан ошди. Корхонамиз аввалгидек ишлаб кетишидан ва яна унинг бағрига қайтишдан умидвормиз.*

*— Фабрика маҳалламиз ҳудудида жойлашган, — суҳбатга қўшилди **«Кўтарма» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Райим ИБРАГИМОВ.** — 7000 нафардан зиёд аҳолимизнинг 300-400 нафари бевосита шу корхонада ишларди. Уларнинг кўпчилиги ҳозир бекорчи.*

Билишимизча, акциядорлар ўзаро келишиб, фабрикага чет эл инвестициясини жалб этишга қарор қилишган. Шу тариқа ўтган йилнинг 21 октябрида «Ванкс групп текстил» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон — Чехия қўшма корхонасига асос солинди. Ўзаро таъсис шартномасига кўра Низом жамғармаси 2 миллион 141 минг АҚШ долларига тенг қилиб белгиланди. Бизнес режада Швейцария ва Чехиядаги «Рейтер» ҳамда «ЛТЕКС» фирмаларидан замонавий дастгоҳлар келтириш ҳамда йилига 2800 тонна калава ип ишлаб чиқариш мўлжалланган. Қўшимча равишда «Пахтабанк» томонидан 2 миллион 800 минг АҚШ доллари миқдорида кредит бериш тадбирлари ҳам кўрилмоқда. Шунда яна 300 кишини иш билан таъминлаш ва сифатли, бозоргир калава иплар ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Ҳозирча буларнинг бари режа. Ҳақиқатда эса фабрика фаолият кўрсатмаяпти. Бу ерда нохуш жимжитлик ҳукмрон. Дастгоҳларнинг шовқини эшитилмайди, омборлар бўм-бўш, цехлар кимсасиз. Анчадан бери одам оёғи тегмаган ерлар анчайин файзсиз.

*— Қандай калавалар чиқарди-я, — дейди ўзини фабрикада ўн уч йил ишлаган ишчи деб таништирган **Назира РАВШАНОВА.** — Сифатига гап йўқ эди. Ундан тўқилган маҳсулотлар бозорнинг олди бўларди. Энди-чи? Бугун бозорга борсанг, сунъий ипдан тайёрланган «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» кийим-кечаклар қалашиб ётибди. Оддий пайпоқни олинг. Асосан Хитойники. Бир ювсангиз, ранги чиқиб кетади, бир ҳафтага етмай титилиб, тамом бўлади. Биз йигирган калава иплардан Жиззах пайпоқ тўқув фабрикасида ишлаб чиқарилган пайпоқларни кийсангиз ҳузур қилардингиз. Чидамли ва арзонлигини айтмайсизми?*

*— Масаланинг табобатга доир томонлариям бор, — дейди **вилоят шифохонаси врачи, Республикада хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Эркин ИМОМНАЗАРОВ.** — Сунъий ип-газламадан тайёрланган синтетик кийим-кечаклар ўзидан ҳаво ўтказмайди. Натижада, тери ҳужайраларининг «нафас» олиши қийинлашади, танангиз терлаб, ўзингизни анча нохуш сезасиз. Пахтадан бўлган ип-газламадан тайёрланган кийим-кечаклардан вужудингиз яйрайди, саломатлигингиз яхшиланади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, пахтадан тайёрланган кийим-кечаклар соғлиқ учун кони фойда...*

3

Бу гаплардан сўнг ўйлаб қоласан киши: «олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деганларининг маъноси шу эмасмикан? Яқин ўтмишда бир кеча-кундузда 12 тонна калава ишлаб чиқарган фабрика халқимиз, юртимиз учун озмунча фойда келтирмаганмиди? Бугун ҳам гуруллаб ишлаб турса бўлмасмиди? Ўзимизнинг эҳтиёжимиздан ортиқча калавани четга сотиш ҳисобига давлатимиз хазинасига анча-мунча валюта келиб тушмасмиди? Ҳалиям шуни уддаласа бўлмасмикан?

Мутасаддилар билан гаплашсангиз бирови «бўлади» деса, бошқаси «қийин», дегандай елка қисади.

Катта-катта бинолару миллион-миллион сўмлик дастгоҳларга ва шу дастгоҳларни бошқаришнинг ҳадисини олган малакали ишчи кадрларга эга ип йигирув фабрикасидаги бу аҳвол беихтиёр Юртбошимизнинг «янгисини қурмай туриб, эскисини бузманг», деган гапини эслатади. Бу ерда-чи? Янгисини қуришни қўя туринг, борини ҳам асраб-авайлашнинг ва уни имкон қадар ишлатишнинг ҳам уддасидан чиқилмаётир.

*Шу ўринда яна бир мулоҳаза: яқин-яқинларда 1300-1400 киши меҳнат қилган ва вилоят бюджетини бойитишга, иқтисодини барқарорлаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келган бошқа бир корхона — **Жиззах пайпоқ тўқув фабрикаси** билан ҳам айнан шундай бўлмаганмиди? Бутунлай тугатилган фабриканинг биноларини аллақандай фирмалар арзимас баҳода сотиб олиб, қанчадан-қанча дастгоҳлар енг ичида пуллаб юборилмаганмиди? Ип йигирув фабрикаси ҳам шундай ҳолга тушиб қолиши ҳеч гап эмасга ўхшаб турибди.*

Саволлар қийнайди: бундай ташвишли, ҳатто аянчли аҳвол қандай юз берди? Сабаб нимада? Айбдорлар ким? Афсус, бу саволларга ҳозирча жўяли жавоб қилиш осон эмас кўринади. Чунки, «калава» шундай чувалганки, у тобора чигаллашиб, учини топиш қийинлашиб бораётгандай...

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Фермер даласида кўклам нафаси

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат

Ёдингизда бўлса, «Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 11 март сонида «Осиё» — танлов ғолиби» сарлавҳали мақола чоп этилиб, унда Навоий вилоятида тадбиркорлар, фермерлар, ҳунармандлар ўртасида «Ташаббус» танлови ўтказилгани, фермерлар ўртасида «Навбаҳор» туманидаги Ихтиёр Қозоқов бошлиқ «Осиё» фермер хўжалиги ғолиб бўлгани ҳақида хабар қилинганди.

Танловнинг республика босқичига йўлланма олган тажрибали тадбиркор 1995 йили туманда биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этди. Айни пайтда хўжаликда 30 гектар боғ, узумзор, 10 гектар пахта майдони бор. Ўтган йили 49 тонна пахта, 23 тонна ғалла, 55 тонна олма, 45 тонна ўрик, 5 тонна сабзавот, 11 тонна картошка ва 4 тонна полиз маҳсулотлари етиштирган жамоанинг бу йилги режалари янада юксак. 30 нафар киши меҳнат қилаётган жамоа тасарруфидаги далаларда ҳозир кўклам юмушлари айни авжига чиқди. Пахта, ғалла, сабзавот, полиз ва картошка экин майдонларида ҳаёт қайнамоқда. Хўжалик ёнида мевани қайта ишлайдиган цехда технология ускуналарини ўрнатиш ишлари бошланди.

Суратда: фермер хўжалиги раҳбари Ихтиёр Қозоқов ишчилар Ўктам Бобомуродов, Абдуҳамид Жалилов жамоа боғида.

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

«ТИЛЛА» тухумлар

ЁКИ «ТЕРМИЗ ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР КАЛИТИ ХУСУСИДА

Бир пайтлар, аниқроғи, бундан 8-10 йил аввал Сурхондарё вилоятида бир қанча йирик паррандачилик корхоналари бор эди. Вилоятда ана шу корхоналар ёрдамида ҳар куни бир неча юз минг донадаб тухум, неча юз тонналаб парҳез гўшт етиштириларди.

Аммо... гапнинг очиғи, етти ҳазинанинг бири — соҳа сўнгги йилларда ишнинг кўзини билган, уддабурон кишилар қўлига тушмади. Шеробод, Жарқўрғон, Сариосиё туманларидаги йирик паррандачилик комплекслари ночор аҳволга тушиб қолди. Йилига миллионлаб дона тухум етиштириладиган республикага машҳур фабрикаларда бугунги кунда 10-15 минг бош парранда боқилиб, қарзлар ботқоғига ботиб қолди. Нима эмиш, паррандачилик зарарли, харажати кўп, даромади ўзини қопламасмиш!

«Термиз паррандачилик фабрикаси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Холмамат ака Нормуродов билан шу ишлар хусусида суҳбатлашиб ўтириб, қайси соҳа бўлмасин, гап — меҳнатда, фидойиликда эканлигига амин бўлдим.

Хуллас, вилоятда бир нечта йирик паррандачилик корхоналари ночор аҳволга тушиб қолди. Фақат биргина «Термиз паррандачилик фабрикаси» бугунги кунда даромадли корхона сифатида фаолият юритмоқда. Сабаб?

— Биласизми, — давом этди суҳбатдошим, — вилоятда чорвачилик ҳам кейинги йилларда орқага кетди. Нега? Чунки, у дуч келган одамлар қўлига қўшқўллаб топширилаверди. Бир қанча кишилар бутун бошли чорвачилик фермаларини арзон-гаровга сотиб олиб, бир-икки йилда батамом тугатиб юборишди...

Бу гапларда жон бор. Хусусийлаштириш эндигина бошланган вақтлари соҳада жиддий хатоларга йўл қўйилганлиги энди сир эмас. Жойларда чорвачиликдан анча йироқ, аниқроғи, уни фақат даромад манбаи деб билувчи одамларга сотилди. Қолаверса, айрим собиқ маҳаллий раҳбарлар айби билан, чорва учун етарли ер майдонлари ажратилмади. Моллар озуқасиз қолди. Сўнгги сабаби, чорва сотилишга-ку сотилди-ю, лекин ҳеч ким жавобгарликни сезмади...

...Холмамат ака бу борада анча тажриба тўплаган тадбиркор кадрлардан. Таъбир жоиз бўлса, у — ўз соҳасининг одами. Бир вақтлар, «Жарқўрғонбройлер» корхонасининг иқтисодий салоҳиятини бир йил ичида бир неча ўн бараварга оширган раҳбаргач» дедик, йўқ, аниқроғи, «Термиз паррандачилик фабрикаси»га ишга юборилди.

— Ишни бу ерда ҳам тартиб-интизомдан бошладим, — дейди у хотирлаб. — Одамлар ишга хоҳласа келиб, хоҳламаса келмас экан. Товуқхоналардаги ускуналарнинг бирортаси ишламас, мавжуд 50-60 минг товуқдан кунига 8-10 минг дона тухум олинаркан, холос. Икки йил ўтиб, корхонада 70 минг дона тухум етиштириладиган бўлди. Одамларнинг манфаатдорлиги ошди. Паррандалар парваришига алоҳида эътибор берилди. Масалани, агар ҳар минг товуқдан кунига биттаси ўлса ҳам — бу ёмон кўрсаткич, деб қўйдик. Ветеринария қаровига, керакли барча моддалари бўлган озуқасига назоратни кучайтирдик.

Бироқ, ўша йили товуқларга ёмон бир ўлат тегди. Кунига минглаб товуқлар қирила бошлади. Бир ой ичида 30 минг товуқ нобуд бўлди. Қўшимча одамлар жалб қилдик. Ҳар бир товуқ тезкор эмлаб чиқилди. 200 мингга яқин парранда алоҳида-алоҳида парваришга олинди. Бу айтишга осон! Лекин бугунга келиб, фабрикада 300 мингдан зиёд парранда мавжуд. Шундан 160 мингга яқини товуқ. Кунига 90 минг донадан тухум олиняпти. «Чорвада ҳалол меҳнат қил, молни алдама» — деган гап бор. Фақат маҳсулот оламан, фойда кўраман, деганлар адашади. Молми у, қушми — барибир унга озуқа бериш керак. Шунда у даромад келтиради. Йўқса, товуқдай «танноз», нозик парранда йўқ. Кимдир дон-дун ташлаб, сувини бериб турсанг бас, тухумини олаверасан, — деб ўйлайди. Асло бундай эмас. Бир неча йуз минглаб товуқнинг ҳар бирини биттадан текшириб, керакли уколини қилиб, доридармон бериб чиқилишини бир тасаввур қилиб кўринг-а?..

Ўтган йили жамият 1 миллиард 800 миллион сўмдан зиёд даромад қилди. Шундан соф фойда 303 миллион сўмни ташкил этди.

— Ҳа, меҳнатга яраша манфаатдорлик ошди, — суҳбатга қўшилди раис ўринбосари Мамаражаб Мусулмонов. — Мана, оддий ҳайдовчимиз Худоёр Ҳасановни олайлик. У 2001 йил ўз акциясига 110 минг сўм дивиденд олди. Оддий товуқбоқларимиз орасида ҳам ўз акциясига 100 минг сўмдан ошириб дивиденд олаётганлар бор. Жамиятимизда 2001 йил якуни бўйича 30 миллион сўм, 2002 йилда 40 миллион сўмдан ошиқ маблағ фақат дивиденд тўловлари учунгина ажратилди.

Аслида-ку, «Термиз паррандачилик фабрикаси»даги товуқлар эртаклардагидек «тилла» тухум қўймайди. Ҳаммамиз билган ва севиб тановул қиладиган оддий тухум. Аммо, бу ерда ишлайдиган одамларнинг ҳалол меҳнати ва фидойилиги билан иш юритишлари сабаб — корхонанинг кундан-кун, йилдан-йил обрў-эътибори ошиб, иқтисодий салоҳияти юксалиб бормоқда. Паррандачиликдан олинаётган маҳсулотлар — гўшт ҳам, тухум ҳам гўё «тилла»га айланиб, миллион-миллион сўмлаб даромад келтирмоқда.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Кашфиёту ихтиролар тараққиёт гарови

ҲАЁТИМИЗНИ ФАН РАВНАҚИСИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН

Мамлакатимиз Президенти мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб, таълимни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратдилар. Натижада 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаронинг бепул умумий таълим олиш ҳуқуқи, таълимнинг давлат назоратида эканлиги қонуний кафолатланди. Шундан сўнг, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилиниб, Ўзбекистон таълим тизимида мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра тамомила янги, халқаро талабларга жавоб берадиган таълим тизими яратилди.

Бу икки тарихий ҳужжат таълимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия ишини миллий истиқлол ғояси асосида олиб бориш, ёшларимизнинг билимли, дунёқараши кенг, пок виждонли, иймони бутун, довюрак, бошқача қилиб айтганда элим деб, юртим деб, ёниб яшайдиган кишилар бўлиб етишишларида беқиёс аҳамият касб этмоқда. Буни ўтган йиллар мобайнидаги тинимсиз изланиш, интилиш, машаққатли меҳнат натижасида эришилган муваффақиятлар ҳам кўрсатиб турибди. Эндиликда ўткир зеҳнли, кенг қамровли билимга эга бўлган хорижий тиллардан бирини ва компьютер соҳасини пухта биладиган истеъдодлар ярқ этиб кўрина бошлади. Бу қувончли ҳол, албатта. Демак, фанимизнинг келажагини изчил давом эттирадиган қудратли бир куч камол топмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари олимларининг мактаблар, коллеж ва лицейлар ҳамда олий ўқув юртларида олиб бораётган ишлари самараларида ҳам яққол кўриш мумкин. Ёшларимиз фанимиз фидойиларининг бой билим ва тажрибаларидан, фандаги ютуқларидан баҳраманд бўлишса, олимларимиз эса ўз соҳаси билимдонларини ҳозирданоқ танлаб, уларга эътибор қаратсалар кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Замон олимларимиз олдига долзарб вазифаларни қўймоқда, бу уларнинг тадқиқот ва илмий ишларни янада такомиллаштириш, халқаро талабларга мос бўлишига эришишни тақозо этмоқда. Бу эзгу мақсадни амалга оширишда «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қўл келмоқда.

Фармон ва Қарор фундаментал ҳамда амалий тадқиқотларни замон талаблари асосида олиб боришни тақозо этади. Бу эса лойиҳаларни долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтириб, уларни танлов асосида баҳолаш, эскириб қолган базавий молиялаштириш тизимидан прогрессив бўлган грант тизимига ўтказиш, лойиҳа раҳбарлари масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, мамлакатимизнинг илмий кучларини бирлаштириш, ноёб иншоотлар ва асбоб-ускуналарни сақлаб қолиш ҳамда такомиллаштириш, илмий ишларнинг халқаро талабларга мос келишини, шунингдек, илмий мавзуларнинг бажарилишини мунтазам мониторинг қилиб боришдек энг муҳим ҳаётий вазифаларни бажариш демакдир. Бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилиб, илмий-ташкилий ишлар амалга оширилди.

Шу муҳим икки ҳужжат асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши тасдиқлаган устувор йўналишларга асосланиб, Фан ва технологиялар Маркази ҳамда Эксперт Кенгаши томонидан ўтказилган грант танловлари муҳим илмий-тадқиқотлар устида ишлаш имконини берди. Эълон қилинган танловда физика-математика ва техника фанлари йўналиши илмий-тадқиқот институтларидан 88 та фундаментал ва 109 та амалий тадқиқот тақдим этилди. Шундан 78 та фундаментал ва 109 та амалий тадқиқот грант олишга муваффақ бўлди.

Грантларнинг илмий ва илмий-техник қимматини таҳлил қиладиган бўлсак, битта грант доирасида бир неча кичик мавзулар йириклаштирилганлигига, лойиҳаларни шакллантиришда Фанлар академияси тизими ва бошқа ташкилотлардаги бир неча илмий гуруҳларнинг интеллектуал ҳамда моддий техник салоҳияти бирлаштирилганлигига шоҳид бўламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтказилган илмий экспертиза натижасида муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ютиб чиқди. Мазкур танловда амалий тадқиқотлар сони аввалгиларга нисбатан 56 фоизга кўпайган. Мавзуларни нефть-газ, энергетика, транспорт, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа бир қатор соҳалардаги ечимини кутаётган долзарб вазифалар ташкил этган. Масалан, Ядро физикаси институтида гепатит ташҳиси учун юқори сифатли радиоиммунологик препаратлар ва ОИТС ташҳиси учун диагностикум ишлаб чиқариш ва радиацион моддаларни аниқловчи ускуналар яратиш давом эттирилади.

Электроника илмий-тадқиқот институтида эса гиёҳванд моддаларни қайд этувчи ва ёнғиндан огоҳлантирувчи юқори сезгирликка эга бўлган сирт-ионизацион индикаторлар ишлаб чиқарилиб, кенг жорий этилиши кўзда тутилган. «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида қуёш энергиясини иссиқлик ва электр энергиясига айлантирувчи турли гелиотехник ускуналар яратиш борасидаги тадқиқотлар давом эттирилади. Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти олимлари томонидан амалга оширилган горизонтал шпинделли пахта териш аппаратларини ҳаётга татбиқ этишга ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шунингдек, «Замонавий информацион технологиялар» илмий-техникавий маркази ходимлари томонидан халқ хўжалигининг турли соҳаларига информацион технология ва дастурларни жорий қилиш изчиллик билан олиб борилади.

Илмий тадқиқот ишларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босадиган технологияларни ривожлантириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу эса ҳар бир олимнинг, ҳар бир тадқиқотчининг диққат марказида.

Фармон ва қарорда кўрсатилганидек, грант тизимининг муҳим жиҳатларидан бири илмий базанинг мавжудлигидир. Агар, илмий-тадқиқот муассасаларида аввалги йилларда 91 та фундаментал ва 70 та Давлат илмий-техникавий тадқиқотлар олиб борилиб, улардан вужудга келган 71 кашфиёт халқ хўжалигининг турли тармоқларига татбиқ этилганлиги, 37 та халқаро грант бўйича ишлаганлиги, бу грантлар учун 2608,51 минг АҚШ доллари жалб этилганлигини, 276 та олим ҳамкорликда фундаментал тадқиқот ишларини олиб бориш ва халқаро конференцияларда иштирок этиш учун йигирмадан ортиқ мамлакатда илмий сафарда бўлганлигини ҳисобга олсак, изланишлар кўлами ойдинлашади.

Шунингдек, иккита монография ва 273 та мақоланинг чет элда нашр этилганлигини, шу билан бирга ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 1565,5 минг АҚШ доллари ҳажмдагиси экспорт қилинганлиги мазкур механизмнинг амалдаги кўриниши янада яққолроқ намоён бўлади. Ушбу йўналишдаги ишлар олимларимиздан тинимсиз изланишни, ғайрат ва шижоатни, сифат ва самарадорлик учун интилишни талаб қилади.

Илмий-тадқиқот ишларини грант асосида амалга ошириш тажрибаси мазкур жараёндаги баъзи ташкилий-услубий масалаларни такомиллаштириш кераклигини кўрсатди. Бу, албатта, иш жараёнида ўз ечимини топиши табиий.

Асосий хулоса, олдимизда турган вазифаларга амалий иш билан жавоб беришдир.

Саъдулла ЛУТФУЛЛАЕВ,
Республика Фанлар академияси вице-президенти вазифасини бажарувчи,
Нуриддин ОЧИЛОВ,
академия масъул ходими

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

Турмуш — тежам билан тирик

«Кичик ва ўрта бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан капитал маблағ сарфини кам талаб қилиши, ихчамлиги, зарур тамойилга тез мослаша олиши туфайли ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турларини тез ўзгартира олиш, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш имкониятига эга.»

Ислом КАРИМОВ

Дарвоқе, кичик бизнес бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига ва кутилмаганда юз бериши мумкин бўлган иқтисодий бўҳронларга ҳам тез мослаша олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси аспиранти Пардавой МАМАТҚУЛОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Иқтисод ва ҳаёт сўзларининг оҳангдошлигига эътибор беринг, — сўз бошлади у. — «Иқтисод» сўзи олдинроқ келаяпти. У— фақат моддий эҳтиёжнинг ўзигина эмас, балки бор моддий неъматдан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳамдир. Мана, масалан, бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон. Бир кичкина рўзғорнинг ҳам анча-мунча ташвишлари борлигини айтиш шарт бўлмаса керак. Тасаввур қилингки, уйингизда қозон қайнамаса, ота-она, бола-чақа — беш-олти киши ҳаммангиз кўчада — ошхонада тамадди қилсангиз, маошингиз неча кунга чидайди? Бирингиз икки бўлмайди, тўғрими?

— Тўғри. Лекин кенгроқ маънода, дейлик мамлакат миқёсида жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб айтинг, бирни икки қилиш учун қандай йўл тутиш керак?

— Биринчи навбатда хориж бозори маҳсулотига қарам бўлиб қолмай, ўзимизнинг ишлаб чиқаришни ҳар томонлама йўлга қўйиш лозим. Буни муҳтарам Юртбошимиз ҳам такрор-такрор айтиб келаяптилар. Маълумки, бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес дунё мамлакатларида иқтисодий тараққиётнинг, таъбир жоиз бўлса, шоҳ томирларидан бирига айланди. АҚШ, Англия, Германия, Япония сингари ривожланган давлатларнинг ижтимоий ҳаётига назар ташласак, уларнинг тўкис яшашларига омил бўлаётган восита — аҳолининг асосий қисми кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётганлиги. Уларда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг тўртдан уч қисми майда ишбилармонлар ҳиссасига тўғри келишининг ўзи фикримизнинг далили. Айниқса, иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган Германия ва Японияниг дафъатан қисқа муддат ичида қад ростлаб, мисли кўрилмаган юксак иқтисодий натижага эришишлари ҳам кичик ва ўрта бизнес шарофатидан.

— Бозор иқтисоди шароитида савдо-сотиқ эркин ривожланади дейилаяпти. Бу — савдо-сотиқ назоратсиз бўлади деганими, ё?..

— Бозорда нарх-навони ҳеч ким назоратга олмайди. Нархни бозорнинг ўзи белгилайди. Нима экишни деҳқон ҳал қилади, нима сотиб олишни истеъмолчи.

Назорат бошқа масалада бўлади. Масалан, амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилиниш, сифатсиз молларни олиб келиб, истеъмолчи ҳуқуқини паймол қилиш каби ҳолатларда.

Баққол газламанинг метридан ва дўкондор тарозидан уриб қолмайдиган ҳалол тижоратчи бўлганда ҳам қатъий интизом ва тартиб ўрнатилмаса, бошбошдоқлик юз беради.

— Хориждан олинадиган кредитнинг уч шакли бор: мол-товар, валюта ва инвестиция. Сизнингча, уларнинг қай бири хайрлироқ?

— Ҳар бир давлат учун хорижга кредит шаклида аввало ўз маҳсулотини ўтказиши — унинг учун ютуқ. Кейин ишлаб чиқариш воситалари, яъни инвестиция, сўнгра — валюта. Менга қолса, инвестицияни танлаган бўлардим. Хориждан аҳолининг эҳтиёж ва талабига қараб янги техника, технология, кичик завод ва фабрикаларнинг замонавий қурилмаларини олиб, уларни энг зарур, биринчи галда сераҳоли жойларга ўрнатган ва ҳаракатга келтирган бўлардим. Масалан, фермер хўжалиги қошида сутни қайта ишлаш заводчаси ҳам бўлса, қанчаданқанча маҳсулот исроф ҳам бўлмасди, ортиқча сарф-харажат ҳам қилинмасди ва боз устига, ўша жойда янги-янги иш ўринлари яратилиб, одамлар қўшимча касб-ҳунар эгалари ҳам бўлишарди. Табиийки, шунда иқтисод ҳам бўларди, тежам ҳам. Айтишади-ку, турмуш — тежам билан тирик деб... Шукрона айтиш керак, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар бу борада кишига катта умид бағишлайди.

Суҳбатдош:
Олимжон БЎРИЕВ

Хўжайлидаги «ТУРОН»
очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Ватанимизнинг барча фуқароларини гўзаллик, яхшилик, яшариш тантанаси НАВРЎЗ байрами билан қизғин муборакбод этади.

Бизнинг аҳил жамоамиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, бу борада ўзига хос ҳисса қўшиб келаяпти. Энг муҳими, кейинги пайтларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириб бораяпмиз.

Наврўз шарофати бир паллаки, у шукуҳи ва нашидаси ила барча одамзотга ва бутун оламга янгидан куч-қудрат, ҳаёт бахш этади.

Наврўз байрами юрт дастурхони тўкинлигидан, мамлакат ободлигидан ва она-юрт тинчлигидан нишонадир.

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИДА ҲАР БИР КУНИНГИЗ НАВРЎЗ ЯНГЛИҒ АЗИЗ ВА ШОДОН БЎЛСИН!





«ҚИЗИЛҚУМНОДИРМЕТАЛЛОЛТИН»

ДАВЛАТ КОНЦЕРНИГА ҚАРАШЛИ
НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни баҳор ва янгиланиш байрами –
НАВРЎЗ шодиёнаси
билан чин юракдан табриклайди!

Иқтидор ва салоҳият эгаси бўлмиш Ўзбекистон халқи билан бир сафда Ватан равнақи, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида меҳнат қилаётганимиздан фахр-ифтихор туйғусини туймоқдамиз.

Обод маҳалла йилида ҳам кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид туйғулари тарк этмасин. Қилаётган меҳнатимиз юртимизга, оилаларимизга қут-барака олиб киравер-син. Юртда тинчлик, хонадонларда тотувлик, кўнгилларда осойишталик доимо ҳукм сурсин.

Ватанимизни, халқимизни ёмон кўзлардан, нияти ғаразлардан Яратганнинг ўзи асрасин!

НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!





BS BURSEL GROUP жамоаси

Ўзбекистон халқини навқирон ва ҳамиша гўзал шодиёна куйчиси

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий
МУБОРАКБОД ЭТАДИ

Ўзбекистон Аллоҳ назари тушган серқуёш, жаннатмакон юрт. Ана шу қутлуғ диёрнинг порлоқ келажаги учун амалга оширилаётган ишлар салобатидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Бутун борлиқ яшариб, еру кўкда буюк мўъжизалар содир бўладиган паллада Наврўз нафосати ҳар бир хонадонга, ҳар бир инсонга қувонч, шодлик олиб келсин!

Эзгу ниятлар изҳор этиладиган бугунги қутлуғ кунда биз ҳам Яратгандан ҳар бир оилага тинчлик, бахт-саодат ва осойишталик тилаймиз.

Ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамиша мустаҳкамланиб бораверсин!

BS BURSEL GROUP жамоаси

Соҳибқирон изтироблари

(«УЛУҒ САЛТАНАТ» ТАРИХИЙ РОМАНИНИНГ ИККИНЧИ КИТОБИДАН ПАРЧА)

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Улуғ салтанатнинг шукуҳли пойтахти Самарқанди фирдавсмонанд кўчаларида кўк кийган одамларни учратиш мумкин эди.

Жаҳонгир Мирзони она шаҳри — Кешга олиб бориб Дор уттиловат мавзеида дафн этдилар. Дафн маросимига Самарқанддан эл оқиб борди. Кеш йўлида бораётганлар сафини мамлакатнинг турли пучмоқларидан келган нўёнлар, амирлар, беклар, сарой аъёнлари, оқсоқолу қадхудолар тўлдирган эди. Улар сал орқароқда борардилар. Олдинда эса тобут солинган маофа билан изма-из дийдаи гирён бўлиб маликалар, амирзодалар қадам ташлардилар...

Амир Темур Кешда салтанат буржининг ёруғ юлдузи, жаҳондорлик шаён-шавкати аломатлари манглайида аён кўриниб турган шаҳзода Жаҳонгир Мирзонинг пок руҳига атаб турфа хайру эҳсонлар қилди, етим-есир, бева-бечораларга иньому садақалар берди. Хайру эҳсонлар пойтахти муаззам Самарқандда Кешдагидан кўра ўн чандон ортиқроқ даражада адо этилди...

... Кажрафтор дунё!.. Энг суюкли ўғли Жаҳонгир Мирзо йигирмага кирганда дунёга қўл силтагандай кетди-қолди. Дунёси шулми? Энди нима бўлади? Бу азоб-уқубатларга у қандай чидайди-ю қандай чора қила олади? Ким унга мадад беради Аллоҳдан бошқа? Э, Аллоҳ, ўзингга шукр, барига ўзинг мададкорсан, ёлғиз ўзинг, ўзинг...

Жудоликнинг аччиқ шарбатидан тотган, мотам либосига ўралган Амир Темурнинг фиғони чексиз эди. Оғир мусибат тап тортмас, унинг қудратли қаддини букишга орзуманд эканлигини яширмасди.

Соҳибқироннинг, менга энди ҳеч нарса керак эмас, дунёси ҳам, салтанати ҳам, бас, дунёдан илик уздум, дея Боғи Чинорга кириб, кўкрагини ерга бериб ётиб олганига уч кун бўлди. Муҳаммад Чуроға додхоҳга ёнига ҳеч кимни йўлатмасликларини қаттиқ тайинлади.

Ҳаммадан ҳам Амир Темурнинг эгачиси Қутлуғ Туркон оқа қаттиқ ташвишда... Аҳвол шундай давом эта берса, мамлакат издан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас. Жетадан қайтиб келган тўнғичи хабарига кўра, Темурбекдан калтак еб кетган Одилшоҳ жалойир қўшин тўплаб Ўтрор яқинидаги тоғларда муштумини қисганча, нима қиларини билмай саргашта юрганмиш. Ул бадбахт вазиятдан хабар топса, Самарқандга от солишдан ҳам тоймайди. Қамариддиннинг эса Моваронннахрга эскидан иддаоси бор. Соҳибқирон кўп марта Жетага юриш қилди, аммо бу урушқоқ амирни ҳали-ҳануз бартараф эта олмади. Уни таг-томири билан йўқ қилишга юборилган шавкатли қўшиннинг қорасини кўрди дегунча, маккор Қамариддин ҳамма нарсасини ташлаб уялмай жуфтакни ростлаб қочиб қолади, тоғларнинг бирон кавак-кандигида жон сақлайди. Бироздан кейин яна ўша уйинг куйгурнинг Андижон ёқларда босқинчилик қилиб юрганлари ҳақида хабар келади, яна унга қарши қўшин юборилади, яна у қочиб қолади. Аҳвол шу тарзда давом эта беради.

— Ҳой, Сулаймоншоҳ! — деди шавҳари Амир Довуд дуғлатга сабри чидамай қутлуғ Туркон оқа бодом қовоқлари уюлиб. — Соҳибқироннинг кўнгиллари жуда ҳам чўкиб кетибди. Вой худойим-ей, жуда ҳам шаштлари паст... Юпатай деб худонинг зорини қилдим, йўқ, йўқ, менга ҳеч нарса керакмас, деганлари деган. Мамлакат тартиби-ю давлат юмушларини ҳам ёдидан чиқариб юбордилар. Қараб ўлтираверасизларми?

— Ўзимнинг ҳам бошим қотган, — деди Амир Довуд дуғлат юзидаги билинар-билинмас қилич изларини силаб. — Худди бурчакка қисилиб қолган макиёндай чорасизмен, онаси. Эҳ, Жаҳонгир Мирзо! Жаҳонгир Мирзо! Соҳибқироннинг суянчиғи, умиди, тираги эди-я!.. Кошки, қўлимдан келса, Темурбекнинг дардларини аритсам! Кошкийди! Бор умид парвардигордан-да энди, онаси...

Чиндан ҳам сўзини ҳамиша яширмай айтадиган, гулдираб, босиқ оҳангда гапирадиган, чорпахилдан келган, бақувват дуғлат амирининг аҳволи ночор кўринарди. Амир кўзларида ғилтиллаган ёшини завжасидан яширириб ўлтирмади.

Қутлуғ Туркон оқа ўйланиб деди:

— Ҳа... Умид ёлғиз парвардигордан, албатта... Иншооллоҳ, бунга асло шубҳам йўқ, Аллоҳнинг ўзи мададкордир... Аммо бандаси ҳам жим қараб ўлтирмаслиги керак-да. Пири муршид жаноблари? — Амир Довуд дуғлат нимадир демоқчи эди, аммо Темурбекнинг эгачиси бунга йўл бермади.

— Пири муршид жаноблари соҳибқирон ҳузурига кирсунлар. Бор фасоҳатларини ишга солсунлар, насиҳат қилсунлар. Не бўлса ҳам, соҳибқироннинг бағирларини зах ердан узиб, қўлларидан етаклаб ёруғ дунёга олиб чиқсунлар, гўшанишинликдан халос этсунлар! Ётавериш жонидан ўтиб, ер кўракларига ботиб ҳам кетгандир.

— Англадим, онаси! Дилимдагини сўзладингиз. Ҳозироқ Суюрғатмишхон жанобларини топурмен, амирларни йиғиб кенгаш қилурмиз. Пири муршид ҳазратларига, барчамизнинг илтижою шижоатимизни сизга берайлик, барини ўзингизга олингиз-да, мамлакат султонини оёққа турғизингиз, деймиз!

— Худо хайрларингизни бersун! Аллоҳ ёрингиз бўлсун! Қутлуғ Туркон оқанинг катта-катта маъюс кўзларида умид учқунлари чақнади.

✧ ✧ ✧

— Ассалому алейкум.

Мир Саййид Барака хос хонага кирганда, Амир Темурнинг ерга бағрини бериб юзтубан ётганини кўрди. Сароймулкхоним соҳибқироннинг бошида, Хонзода хоним билан Улус оқа оёқ томонда чўккалаб сукутда ўлтиришар эдилар. Пири муршид кирганини кўришиб оҳиста ўриндан турдилар-да, ортга чекиндилар ва эпкиндай сирғалиб ташқарига чиқдилар.

Амир Темур пири муршид ҳурматига ўрнидан турмоқчи бўлган эди, унинг ҳаракатлари сустлигини кўрган Мир Саййид Барака бунга йўл қўймади:

— Зинҳор безовта бўлмасунлар! Ижозат, ижозат!.. Аллоҳнинг ўзига ҳамду санолар айтайлук?

Мир Саййид Барака бошқа ҳеч нарса демади, соҳибқироннинг ёнига чўк тушди-да, кўзларини юмганча, овоз чиқариб тиловат қила бошлади, қўллари тасбеҳ доналарини санашдан тўхтамасди. Ора-орада кўзларини очиб таважжуҳ ила «Куф! Суф!» деб нафас қилар, қўлидаги тасбеҳини соҳибқироннинг елкасига уриб-уриб қўяр эди.

Тиловат узоқ давом этди.

Пири муршиднинг тутуми Амир Темурга бир қадар қутилмаган ҳол бўлди. У ўзини яхши насиҳатлар, ётабермасдан туриб давлат ишларини қўлга олишлар зарурлиги тўғрисидаги хитобларни эшитишга шайлаб турганди.

Хонада Қуръон каломлари парвоз қилиб юрарди.

— Ал-ҳамду лил-лаҳи... — Шошилмай «Фотиҳа» сурасини ўқишга турди энди пири муршид.

Мир Саййид Бараканинг залворли аллаловчи овози Амир Темурни элита бошлади, у беихтиёр кўзларини юмди... Қандайдир жуда узоқларга кетиб қолгандай ҳис этди ўзини. Ҳа, жуда ҳам узоқларда юрарди бу палла, юрардими ёки шундай туюляптими?.. Тушими, ўнгими, хаёлми... Чунон уринса-да, буни аниқ билолмади. Ҳарқалай тобора ўзини енгил сезарди. Кўнглининг тубида тош бўлиб ётган андуҳу аламлар ҳам эриб, қайгадир чекинишга турдилар.

Бирдан мўъжиза юз берди: хонани тўлдирган Қуръон каломлари томдан ҳам ўтиб осмонфалакка ўрлай бошлади! Қизиғи шундаки, уларнинг қанотида Амир Темур ҳам учиб борарди. Атрофда ям-яшил фазо, тип-тиниқ осмон ўз салтанатини намойиш қилар, юксак-юксакларда арши аълони ўз бағрига олганлигидан жамоли нурафшон эканлигини яширмасди. Соҳибқирон назарида боқий дунё билан фоний дунё чегараси худди шу ерда ўз интиҳосига етиб, бирлашиб кетгандай эди. Орадан қанча вақт ўтди, бир кунми, юз йилми, минг йил. — Фарқига бора олмади. У ломакондан кўз узиб, буюк илтижо билан юқориюқориларга, минг-минг қуёшдан ҳам кучлироқ шуълаланиб ётган арши аълога юз бурди ва юзлари қуяр даражадаги ҳароратдан қўлларини пана қилганини билмай қолди.

Олис-олислардан пири муршиднинг ширали овози ва «Фотиҳа» сурасининг сўнгги каломи қулоғига чалинди:

— ... вала-з-золийн. Омийн! Куф!..Суф!.. Куф! Суф!.. Пири муршид тасбеҳи билан беозоргина Амир Темур елкаларига уриб-уриб қўйди-да, мамнун деди:

— Ўзларига келиб қоладилар, ҳа... Иншооллоҳ, оёққа туриб кетадилар, Амир соҳибқирон!

Мир Саййид Барака Амир Темурнинг боши-ю елкаларини уқалашга турди. Пирнинг қўллари майин ва юмшоқ эди, ундан соҳибқирон вужудига қандайдир сеҳрли қувват оқиб кирмоқдайди. Амир Темур турмоққа ўзида ҳоҳишу куч сеза бошлади.

Шу палла бирдан:

— «Ё пирим!» деб туриб кетсунлар энди, соҳибқирон! — таважжуқ билан амр этди Мир Саййид Барака. — Бу бандасига ҳам, худога ҳам хуш келгай! Алҳамду лиллаҳи раббил оламин!

У шундай деди-да, Амир Темурнинг қўлтиғидан олмоққа шошилди. Соҳибқирон кўкракни зах ерга бериб ётавериш дамлари тугаганлигини, азот ўрнидан туриб ёруғ дунёга чиқиш пайтлари етганлигини англади. Пири муршид рўбарўсида ғамнок турган мурити эмас, муҳиби Амир Темурнинг сўлғин юзларига қарар экан, ногаҳон келган қайғу, ғам-андуҳ, мусибат ҳар қандай кишини ҳам эгиб қўйиши мумкинлигини кўрди. Суянчи, сирдош дўсти, дунёда одамларни бахтли қилишга бел боғлаган валломатнинг шунчалар афтода бир ҳолга тушиб қолганидан Мир Саййид Бараканинг бағри увалди. Бутун фасоҳатини ишга солиб бундай деди:

— Амир соҳибқирон! Оре, рост. Буни дунёи бевафо дерлар. Анинг кирдикорларидан наҳотки бехабар бўлсалар? Ситамкор фалакнинг нағмаларини наҳотки билмасалар? У кимга бир фароғат бахш этдики, ортидан ранжу изтиробларини юбормади? Кимга муаттар бўйли гул бердики, гўзал барглари орасига заҳролуд тиканини яшириб қўймади?.. Аллоҳнинг қазосига ризо бўлмаган ким бор экан ўзи?..

Пири муршид бироз тин олди, Амир Темур диққат билан тинглар эди.

— Подшоҳларнинг улуғлиги ўзгалардан беш ҳислат билан ажралиб туради, Амир соҳибқирон. Фуқарога кўргизган марҳамати-ю муруввати, мамлакат низомидаги адолати, мазлумни золимдан ҳимоя қила олиш қудрати, донишмандлиги-ю зукколиги ва ниҳоят, фурсатни ғанимат билиб, оқибатни англай олиш санъати. Дам ғаниматдур! Вовайлолар бўлсунким, мамлакат қаровсиз, чаман-боғ меҳрибон боғбон назарисиз қолиб турибди. Фурсатни ғанимат билмак лозим, оқибатни англай олиш зарур. Аллоҳнинг бандасига юклаган вазифасини адо этмаслик ҳам бир гуноҳи азимдур. Англадингизму?

— Англадим, пирим. Англадим. Қуллуқ. — Қўлини кўксига қўйиб оҳиста синиқ овозда деди Амир Темур...

— Шукр қилмак керак.

— Ҳа, шукр қиламен, беадад шукр!.. Етказганига шукр, пирим!..

Шу лаҳзаларгача саботига путур етмаган пири муршиднинг ўзи энди негадир тўлиқиб кетди. Қандайдир исмсиз бир ўкинчми, афсусми, алам томоғидан ғиппа бўғиб олди. Кўзларида қалқиб чиққан ёш тўкилмоққа мойиллик кўргизар эди. Ўкраб юборишига бир баҳя қолган Мир Саййид Барака ичидан келган кучли изтиробни тўхтатиш умидида сир бой бермай Амир Темурни бағрига босди, тили эса «Аллоҳга шукр!», «Аллоҳга шукр!»дан бўшамасди.

Шу палла узоқдан қараган одам бир-бирига туташ икки елканинг ўқтин-ўқтин титраётганини кўра оларди.

Мир Саййид Барака ташрифидан сўнг, Амир Темур дил жароҳатига бироз малҳам топгандай бўлди. Дунёга эътиқоди яна қулф уриб, муборак назарини паришон мамлакат забтига қаратди...

«САМАРҚАНД АВТОТЕХХИЗМАТ»

АКЦИЯДОРЛИК ҲУДУДИЙ УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

ватандошларимизни

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан муборакбод этади!

Ўзбек халқининг эзгу анъаналари, миллий қадриятлари, ўлмас урф-одатлари НАВРЎЗ ила қадр топиб, аҳолининг турмуш тарзига янада теранроқ, янада чуқурроқ сингиб бормоқда.

Самарқанд шаҳрининг бугунги файзу таровати, кўрку латофатини нафақат шарқ мамлакатларига, балки бутун дунёга мустақиллик мўъжизаси сифатида кўз-кўз қилгулик. Бундан биз фахрланамиз.

Кенг йўлларимизда елдек учаётган ўз автомобилларимиз ҳам киши қалбини ғурурга тўлдиради.

Шу ўринда «ЎзДЭУ» компаниясининг «Нексия-DOHC», «Нексия», «Матиз» ва «Тико» автомобилларини байрам туҳфаси сифатида 10 фоизгача арзонлаштириб сотилаётганини қувонч билан маълум қиламиз.

Ҳурматли ҳамюртлар!

Кечмиши буюк мамлакатнинг буюк келажаги йўлида ёниб яшашингиз ва ишлашингизда омадлар ёр бўлишини тилаб қоламиз. Қутлуғ хонадонингиздан файзу баракот ва рўшнолик аримасин.

Ўзагросуғурта ДАСК

Сурхондарё вилояти дирекцияси

Ўзбекистон халқини баҳор байрами —

НАВРЎЗ

муносабати билан муборакбод этади!

Айни пайтда биз қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликларига намунали суғурта хизмати кўрсатяпмиз. Аҳолига қарашли иморатлар, уй жиҳозлари, чорва моллари, боғ ва узумзорлар суғурталанмоқда. Энг муҳими бизнинг хизматимиздан барча мижозларимиз мамнун бўлишаётир.

Мана, яна баҳор келди. Ана шундай фарахбахш кунларда ерга барака уруғи қадаётган деҳқонларга, қўзилатиш мавсумини муваффақиятли амалга ошираётган чўпону чўлиқларга, фермерларга ва барча қишлоқ меҳнаткашларига омад ёр бўлсин!

БАЛАНС

ОАО «Узбекгазсувкурилиш» за 2002 год

Балансовые счета	АКТИВ	Сумма (тыс.сум)	Балансовые счета	ПАССИВ	Сумма (тыс.сум)
01	Основные средства и другие активы	149483	85/1 85/3	Уставной капитал Резервный капитал	142512 63455
06	Долгосрочные вложения	8231	89	Резерв предстоящих расходов и платежей	21602
10	Производственные запасы	184909	90	Краткосрочные займы	6631
51	Денежные средства	3585	96	Целевое поступление и фонды	70050
52	Валютные средства	1	60	Кредиторы	404771
62	Дебиторы	387480	64	Авансы полученные	3461
			80	Прибыль отчетного периода	21207
	БАЛАНС	733689		БАЛАНС	733689

Аудиторская проверка проведена аудиторской фирмой «АККО» (Лицензия Министерства финансов Республики Узбекистан от 16 октября 2001 года № 00233).

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали

Маълум қиладики, ўтган ҳафтада ўтказилган биржа савдоларида 3 та объект жами 8 650 000 сўмга сотилди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.

Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

Асирлар алмашинди

Эрон ва Ироқ ҳарбий асирларни ўзаро алмашишди. Эрон ҳукуматининг матбуот котиби Абдулла Рамазонзоданинг айтишича, ўзаро келишувга кўра Эрон 1241 нафар ироқлик асирларни озод этди, Ироқ эса 349 нафар ҳарбий асирни Эронга қайтарди. Шундай қилиб мазкур алмашинувдан сўнг 1980-88 йиллардаги Эрон-Ироқ урушида асир олинганлар иккала давлатда ҳам умуман қолмади, дея хабар беради Reuters.

Бош вазир тайинланди

Туркиянинг Адолат ва тараққиёт ҳукмрон партияси етакчиси Тойип Эрдўғон расмий равишда мамлакат бош вазири этиб тайинланди. Аввал мазкур лавозимда иш юритган Абдулла Гул эса ташқи ишлар вазири бўлди.

Чиқариб юборилди

Ироқ маъмурияти Американинг Boston Globe газетаси журналистини уяли телефондан фойдалангани учун мамлакатдан чиқариб юборганлиги ҳақида CNN телекомпанияси хабар тарқатди.

Ироқда ўрнатилган тартиб-қоидага кўра, журналистлар уяли телефонлардан фақат Бағдоддаги матбуот марказидагина фойдаланишлари мумкин. Boston Globeнинг репортёри эса бу қоидани бузиб, меҳмонхонада телефондан фойдаланган.

Зиммасига олишга тайёр

1988 йили Локербида (Шотландия) содир этилган террорчилик ҳаракати сабабли ҳалокатга учраган самолётда нобуд бўлганлар (270 киши)нинг оила аъзолари ёки қариндош-уруғларига Ливия ҳукумати товон пули тўлашга ҳамда мазкур теракт учун жавобгарликни зиммасига олишга тайёр эканлигини билдирди. АҚШ, Буюк Британия ва Ливия ўртасида яқинда Лондонда бўлиб ўтган музокаралардан сўнг шундай қарорга келинди, дейилади Reuters агентлиги ахборотида.

Умуман олганда Локербида содир этилган террорчилик иши юзасидан суд жараёни 2001 йил январда якунланган. Ливия фуқароси Абдулбосит Али Маҳмуд Ал-Миграхи самолётни портлатишда айбдор деб топилган ва тегишли жазосини олган. Ўтган йили январда унинг адвокатлари апелляция судига берган норозилик шикояти рад этилган.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Ташрифлар қолдирилмоқда

БУНГА ИРОҚДАГИ ҚАЛТИС ВАЗИЯТ САБАБ БЎЛМОҚДА

Ироқдаги қалтис вазият дунё сиёсий ҳаётига ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Бу кўпгина давлатлар етакчиларининг ўзга давлатларга режалаштирган ташрифларини бекор қилишларида айниқса яққол сезилмоқда. Жумладан, Араб давлатлари лигаси (АДЛ) вакилларининг Бағдодга ташрифи Ироқ раҳбариятининг илтимосига кўра номаълум муддатга қолдирилди, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида.

Гап шундаки, Мисрнинг МЕНА агентлиги маълум қилишича, 28 февралда мамлакатнинг Шарм аш-Шайх шаҳрида бўлиб ўтган Араб давлатлари саммити якуний хулосасига кўра, лига делегацияси аввал Баҳрайнга, сўнг эса Саддам Ҳусайн билан учрашиш учун Ироққа ташриф буюришлари лозим эди. Таркибида Сурия, Ливан, Тунис, Миср ва Баҳрайн ташқи ишлар вазирлари, шунингдек, лига бош котиби Амир Муса АДЛ топшириғига кўра, 14-15 март кунлари Бағдодда Ироқ муаммоси юзасидан музокаралар олиб бориши кўзда тутилган эди. Бироқ Ироқ раҳбарияти мамлакатга қарши уруш очилиши эҳтимоли борлигини инобатга олиб, ташрифни кейинга қолдиришларини сўраган.

Шунингдек, делегациянинг Баҳрайн подшоси Исо Ал Халифа билан Манамада бўладиган учрашуви ҳам қолдирилди. Маълумки, Баҳрайн АДЛнинг амалдаги раиси ҳисобланади.

Қолдирилган ташрифлардан яна бири Буюк Британия қироличасининг бугун Бельгияга мўлжалланган сафари бўлди. Reuters агентлиги ахборотига кўра, қиролича Елизавета II Бельгия қироли Албертнинг таклифига биноан бугун ва эртага Бельгияда бўлиши белгиланган эди.

«Интерфакс»нинг маълум қилишича, Филиппин Президенти Глория Макапагал Арройо ҳам 2-5 апрель кунлари АҚШга қиладиган расмий ташрифини Ироқ атрофидаги вазиятга кўра қолдирган. Арройо ва Буш келишувига кўра, учрашув номаълум муддатга кечиктирилди.

Ироқ муаммоси қанчалик таранглашиб бораётганининг яна бир исботи шуки, мамлакатдан кўпгина давлатлар ўз элчилари ва фуқароларини чақириб олмоқда. Шу пайтгача, Япония, Россия, Австралия, Испания, Белорусия ва Европанинг айрим давлатлари ўз фуқароларини чақириб олган бўлса, кеча Покистон, Чехия, Хитой ҳукуматлари ҳам Бағдоддаги элчихоналарини ёпиб, дипломатларини чақириб олдилар. Таиланд, Ҳиндистон ва Германия эса ўз дипломатларини Иордания пойтахти Оммонга, шунингдек, Bernama агентлигининг хабарига кўра, Малайзия ҳам Бағдоддаги ўз элчихонасини ёпиб, дипломатларини шу шаҳарга кўчириб олиб ўтди.

Бундан ташқари АҚШ мурожаатномасига кўра кўпгина давлатлар Ироқ элчиларини ўз мамлакатларидан чиқариб юбордилар ва бу жараён ҳали давом этмоқда.

Гап шундаки, аввалроқ АҚШ маъмурияти Ироқ разведкасининг зобитлари 60 та давлатда дипломатия соҳаларида ишлаётганлиги ҳақида хабар берган эди. Ва бунга асосан Австралия, Руминия Ироқ элчиларини чиқариб юборди. Яқинда эса Швеция ва Венгрия ҳам худди шундай йўл тутди. Швециянинг «ТТ» ахборот агентлиги ва Венгрия Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Томас Тотнинг маълум қилишича, бу икки мамлакатдан ҳам Ироқнинг тўрт нафар дипломати, Финляндиядан уч нафари чиқариб юборилди.

Ироқ атрофидаги вазият ўта таранглашиб бораётганини Ироқнинг ҳарбий тайёргарлик ишларидан ҳам билса бўлади. Чунончи, Ироқ жанубдан – АҚШнинг Қувайтдан берадиган зарбасининг олдини олиш мақсадида шу кунларда оғир артиллерия ва шахсий таркибини мамлакат жанубига жойлаштирмоқда. Бу ҳақда АҚШ Мудофаа вазирлиги манбаларига таяниб, Fox News телеканали хабар тарқатди.

Бундан ташқари мамлакат ғарбий чегарасига эса «Скад» русумидаги ракеталар комплекси жойлаштирилмоқда (бу Исроилга зарба бериш имконини туғдиради). Айрим манбаларга қараганда Ироқ нефть конларини ҳам миналаштирмоқда экан.

Пентагон вакилларининг таъкидлашларича, Ироқнинг бундай тайёргарлиги АҚШ ва унинг иттифоқчилари томонидан бўладиган ҳужумнинг олдини олиш ва унга қарши қаратилганлигидан далолатдир.

Яна бир гап. Якшанба куни Португалия ҳудудига қарашли Азор оролида АҚШ, Буюк Британия ва Испания етакчилари – АҚШ Президенти Жорж Буш, Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ҳамда Испания ҳукумати раиси Хосе Мария Аснар иштирокида Ироқ масаласига бағишланган саммит бўлиб ўтди. Иштирокчилар февраль охирида тақдим этилган янги резолюция лойиҳаси БМТ Хавфсизлик Кенгашида овозга қўйилишидан воз кечдилар.

Саммитдан сўнг бўлиб ўтган матбуот конференциясида АҚШ Президенти «Озод Ироқни қуриш» йўлида муваққат ҳукумат тузишга эришишини алоҳида уқтирди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу жараёнларнинг барчаси Ироқни қуролсизлантиришга қаратилган бўлиб, АҚШ ва иттифоқчиларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари янада қатъийлашиб бораётганидан далолатдир.

Алимқул СУЛТОН

Хитойнинг янги раҳбарияти

Хитойда давлат ҳокимиятини янги – тўртинчи авлодга топшириш жараёни кеча якунланди, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида.

Гап шундаки, шанба, якшанба ва душанба кунлари бўлиб ўтган Умумхитой халқ вакиллари йиғинининг (УХВЙ) сессиясида давлат ҳокимияти органларининг янги раҳбарияти сайланди. Эндиликда Хитой давлати раҳбари – Хитой Компартияси бош котиби лавозимини Ху Цзиньтао, унинг ўринбосарлигини Цзэн Цинхун, Хитой Компартияси Марказий Кенгаши сиёсий бюросининг доимий қўмитаси аъзоси У Банго эса Хитой парламенти раҳбарлигини, яъни УХВЙ доимий қўмитаси раислигини эгаллади.

Олий давлат лавозимини Ху Цзиньтаога топширган, Хитойнинг собиқ раҳбари Цзян Цзэмин эса Хитой Марказий ҳарбий кенгаши раҳбарлигига сайланди.

Шундай қилиб ўтган асрнинг 90-йилларида партия ва давлатнинг барча органлари раҳбарлигини янги авлодга топширган, замонавий Хитой ислоҳоти «архитектори» Дэн Сяопиннинг сиёсий йўлини Цзян Цзэмин ҳам амалга оширди.

Якшанба кунги сессияда Хитой ҳукуматининг янги бош вазири, унинг ўринбосарлари, Марказий ҳарбий кенгаш аъзолари, Олий халқ суди ҳамда Хитой бош прокурори, кеча эса вазирликлар лавозимлари ва республика давлат кенгаши аъзолигига янги етакчилар сайландилар.

Ўзбек радиосида яна бир эшиттириш

Республика радиосининг «Дўстлик» каналида қирғиз тилидаги «Мин қыял» адабий-мусиқали эшиттириши ўз ишини бошлади. «Эломон» ахборот-таҳлилий эшиттириши эса бир неча йилдирки, фаолият олиб бормоқда. Янги эшиттириш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 300 мингдан зиёд қирғиз миллатига мансуб аҳолининг қизиқиш ва интилишларига монанд ташкил этилди. Эндиликда тингловчилар ҳафтасига 20 дақиқа давомида қадимдан қон-қардош бўлиб яшаб келаётган ўзбек ва қирғиз халқининг маданий мероси, маънавий қадриятлари, ўзаро алоқалари, классик ва ҳозирги замон куй-қўшиқлари билан танишиш имконига эгадирлар.

Эшиттириш тақдимотида иштирок этган Ўзбекистондаги қирғиз миллий-маданий маркази раисининг ўринбосари Абиба Юнусалиева, бу эшиттириш мамлакатимизда олиб борилаётган миллий сиёсатнинг натижаси эканлигини таъкидлаб, «Наврўз» байрами олдидан мамлакатимиздаги қирғиз аҳолиси учун катта байрам совғаси эканлигини айтди. Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Нурлан Алимбеков, Ўзбекистон радиосининг эшиттиришларини Қирғизистонда ҳам севиб тинглашларини айтиб, қадимдан давом этиб келаётган мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда, маданий алоқаларни ривожлантиришда мазкур эшиттиришнинг аҳамияти катта эканлигига алоҳида эътибор берди.

Бугунги кунда «Дўстлик» канал орқали рус, қозоқ, қирғиз, тожик, уйғур, қримтатар ва бошқирд-татар тилларидаги радиоэшиттиришлар бериб борилмоқда.

Тўланбой ҚУРБОНОВ

Каптарлар... ҳарбий хизматга жалб этилди

Қувайтда жойлашган АҚШ денгиз пиёдаларининг 7-полки ҳарбий хизматчиларига яқинда 40 та каптар етказиб берилди. Уни нима қилар экан, деган савол ҳамманинг кўнглидан ўтаётган бўлса керак? Қушлар кимёвий ҳужум ҳақида аскарларни аввалдан огоҳлантиради, яъни қушлар одамга нисбатан ҳавонинг кимёвий заҳарланганини аввалроқ сезиб, жон таслим қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бир ой муқаддам ҳам денгиз пиёдалари қиркдан ортиқ қушлар билан таъминланган эди. Аммо бечора қушларнинг деярли барчаси саҳро иқлимига мослашолмай ўн кундаёқ жон таслим қилди, дея хабар беради Associated Preess агентлиги.

Эмлаш ўтказилмоқда

Қувайтда Ироқ томонидан қўлланилиши мумкин бўлган биологик қурол оқибатларига қарши, яъни Сибир яраси ва сув чечаги тарқалишига қарши аҳолини ёппасига эмлаш олиб борилмоқда.

Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган маълумотларга қараганда, биринчи галда тиббиёт ходимлари, сўнг хавфсизлик хизмати ва фуқаро мудофааси ходимлари, ҳарбий қўшинларнинг барча аскару зобитлари эмланади. Учинчи босқичда эса аҳолининг барча табақаларига эътибор қаратилади.

Бу борада Қувайт бир муаммога дуч келиши мумкин. Бу ҳам бўлса, тиббиёт ходимларининг етишмаслиги масаласидир. Шунинг учун ҳукумат бу муаммони ечишда пенсиядаги собиқ тиббиёт ходимлари қўмагидан фойдаланмоқчи.

«Камолот» соврини учун

Тошкентдаги республика Олимпия заҳиралари коллежида Чилонзор тумани «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати соврини учун ўсмирлар ўртасида кураш бўйича турнир ўтказилди. Мусобақада Тошкент, Чирчиқ, Жиззах, Тайлоқ республика Олимпия заҳиралари коллежлари, вилоятлардаги кураш спорт клубларидан 150 нафардан ортиқ ёш полвонлар саккиз вазн тоифасида гиламга чиқдилар.

Муросасиз беллашувларда Баҳодир Хушвақтов (42 кг.), Адҳам Равшанов (46 кг, иккаласи ҳам Тошкент РОЗК-дан), Мирали Шарипов (50 кг. Чирчиқ РОЗК), Улуғбек Мусулмонов (55 кг.), Кароматилло Жабборов (60 кг. иккаласи ҳам Тошкент РОЗК), Жафар Холиқов (65 кг. Тайлоқ РОЗК), Искандар Ҳайдаров (+71 кг. Тошкент РОЗК)лар бош соврин билан тақдирланди.

— Маълумки, 21-22 март кунлари Исроилда болалар ва ўсмирлар ўртасида «Олимпия умидлари» халқаро биринчи турнири ўтказилади, — дейди мусобақа бош ҳаками Мурод Дусумбетов. — Бу беллашувлар айнан шу нуфузли баҳслар олдидан ёш полвонларимиз учун муҳим тайёргарлик вазифасини ўтади.

«Футбол байрами»га марҳабо!

Юртимизда футбол бўйича мамлакат миллий чемпионати ўйинларини ҳар йили 18 март куни бошлаш анъанага айланган. Шу боис, бу кунни ишқибозлар «Футбол байрами» ҳам дейишади.

Бугун мамлакатимизнинг саккиз шаҳрида олий лига жамоалари навбатдаги мавсумнинг дастлабки тур учрашувларини ўтказишади. Унда қуйидаги жамоалар майдонга чиқишади: «Насаф» (Қарши) — «Сурхон» (Термиз), «Бухоро» (Бухоро) — «Цементчи» (Қувасой), «Андижон» (Андижон) — «Дўстлик» (Тошкент вилояти), «Пахтакор» (Тошкент) — «Қўқон-1912» (Қўқон), «Нефтчи» (Фарғона) — «Гулистон» (Гулистон), «Навбаҳор» (Наманган) — «Машъал» (Муборак), «Трактор» (Тошкент) — «Металлург» (Бекобод), «Самарқанд-Д» (Самарқанд) — «Қизилқум» (Зарафшон).

● БОЛАЛАР СПОРТИ

Чирчиқда камол топаётган чемпионлар



Айни пайтда мамлакатимизда профессионал спортчилар тайёрлашга ихтисослашган бешта олимпия заҳиралари коллежи фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида Чирчиқдаги республика Олимпия заҳиралари коллежи алоҳида ўрин тутади.

Ҳозирда мазкур таълим муассасасида 41 нафар малакали ўқитувчи-мураббий ёшларга спортнинг тўққиз тури бўйича таълим-тарбия бермоқда. Коллежда тарбияланаётган 230 нафар спортчи-ёшлар бокс, дзюдо, кураш, эшкак эшиш, байдарка ва каноэ, енгил атлетика, оғир атлетика, велоспорт, турон яккакураши бўйича мамлакат биринчиликлари ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб натижаларни қўлга киритишяпти.

— Билим даргоҳимизнинг дзюдо бўлимида айни вақтда республикамизнинг турли шаҳар ва вилоятларидан келган йигирма нафар ўқувчи таҳсил олмоқда, — дейди мураббий Самандар Собиров. — Ўзим ҳам шу ерда ўқиб улғайдим. Турли турнир, чемпионатларда муваффақиятли қатнашиб, Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Орзуим келажакда юртимизда спортни янада ривожлантиришга, иқтидорли ёшларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишдир. Мен эришмаган ютуқларга истеъдодли ёшлар эришсин, дейман. Кўз тегмасин, шогирдларим ғайрати, интилиши чакки эмас. Яқинда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида коллежимиз ўқувчилари Мирали Шарипов, Сергей Литвиненко, Шерали Пўлатовлар ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Бу эса ўз ишимга меҳрни янада оширди. Ишонаманки, улар орасидан ҳали олимпия, жаҳон, Осиё чемпионлари етишиб чиқади.

Ҳа, дарҳақиқат бу ерда ўз касбини севган, моҳир мураббийлар фаолият кўрсатади. Шу боис, коллеж тарбияланувчилари орасида турли нуфузли мусобақаларнинг янги-янги ғолиб ва совриндорлари кўпаймоқда.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: коллежнинг дзюдо бўлими мураббийи Самандар Собиров ёшларга машғулот ўтмоқда.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Ҳикматли сўзлар маъноси

Бедананинг уйи йўқ, қайга борса — битбилдиқ

Вар.: «Ошпичоқнинг қини йўқ. Битбилдиқнинг ини йўқ». Бу мақолларни ҳеч бир жойда ишни ёлчитмаган, маҳмадона, харала-тарала бедод, кўча хандон одамларга қарата айтилади.

Беллашганда отангни аяма

Вар.: «Аввламбор беллашма, Беллашгандан сўнг аяшма», «Курашганда отанг бўлса ҳам йиқ!»; «Гап келганда отангни ҳам аяма». Булар билан «Фақат беллашганда, курашганда, баҳслашгандагина эмас, умуман бирор ишга киришсанг, бирор мақсад сари чоғлансанг, ҳар қандай шароитда ҳам ҳеч бўш келма, дадил ҳаракат қил!», деган маънода насиҳат қиладилар.

Беллашсанг мард билан беллаш

Вар.: «Сўқишсанг, мард билан сўқиш». Булар билан: «Номард, кўрқоқ, пасткаш одамлар билан мулоқотда бўлма, ҳар бир ишда (ҳатто, олишганда ҳам) мард, одил, кўрқмас, қадр-қимматингни ўрнига қўя биладиган одамлар билан муносабатда бўл», деб насиҳат қиладилар.

Беномусга — не номус?!

Халқимизда беномус, беҳаё, ориятсиз, юзсиз, бетамиз, безори, имонсиз, уятсиз одамларни қораловчи, уларнинг бутун кирдикорларини очиб ташловчи, улар устидан заҳарханда билан кулувчи мақоллар кўп: «Беморга — не ор?!»; «Орсизнинг юзига тупурса, ёмғир ёғяпти, дермиш»; «Орсизга тупурсанг, баҳор ёмғири, дер»; «Орли орига қараса, орсиз: «Енгдим», дер»; «Бетамизда бет бўлмас, Безорида — уят»; «Вафосизда ҳаё йўқ, Ҳаёсизда вафо йўқ»; «Ҳаёсизнинг имони йўқ»; «Ҳаёсизда номус йўқ»; «Уятсиз — номуссиз»; «Уялмагандан уял»; «Яхшининг ёти бўлмас, Ёмоннинг — уяти»; «Бемаънида — не маъни?!»; «Батҳўйнинг бети қора»; «Телбанинг териси қалин»; «Обрўли обрўйидан қўрқар, Беобрў недан қўрқар?!»; «Ҳаёсизлар йиғилган ерда ҳаёлилар тоққа қочар»; «Беҳаёлар бел боғласа, ҳаёлилар уйга кирар». (Бу кейинги икки мақол билан: «Беҳаё, беномус одамлар оғзига келган сўзларни айтиб, бир-бирлари билан ҳақоратлашиб қолса, уятли, ор-номусли одамлар номусга чидай олмай, улардан ўзларини олиб қочадилар», демоқчи бўлинади). «Ҳаё кетди — бало етди»; «Юзсиз кишига юзланма»; «Ориятсиз одамдан қоч!».

«СУРХОНОЗИҚОВҚАТСАНОАТИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларининг 2002 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши 2003 йил 29 март куни соат 10.00 да Сурхондарё вилоят Денов шаҳри Фаррухий кўчаси, 1-уй «Сурхонозиқовқатсаноти» ҳиссадорлик жамияти биносида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартиби:

— Кузатув Кенгаши фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш;
— Кузатув Кенгаши таркибини қайта сайлаш;
— Ижроия органнинг 2002 йил молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва 2003 йил бизнес-режасини тасдиқлаш;
— 2002 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг ва аудитор фирмаси хулосасини ҳамда 2003 йил аудиторини тасдиқлаш;
— Бухгалтерия баланси, молиявий натижа, 2 ЦБ ҳисоботни тасдиқлаш;
— Жамият бошқарув раисини ва у билан тузилган меҳнат шартномасини тасдиқлаш;
— Кузатув Кенгаши аъзоларини тасдиқлаш;
— Кузатув Кенгаши, ижроия органи тўғрисидаги ва бошқа янги таҳрирдаги меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш.

Акциядорлар реестри 2003 йил 28 февраль ҳолатига ёпилади. Акциядорларни рўйхатга олиш 29 март соат 8 дан бошланади. Акциядорлар ўзлари билан паспорт ёки нотариал тасдиқлаган ишонч қоғозларига эга бўлишлари шарт.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«БИЗНЕС ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР»

халқаро конференциясида (Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, 2003 йил 14-15 апрель) қатнашиш учун

Ўзбекистон олий ўқув юртларининг бизнес ва иқтисодий йўналиш бўйича профессор-ўқитувчилари, шунингдек, маъмурлари ўртасида танлов

«Таълим Тармоғи», «КАРАНАЮ-САИД» лойиҳаси ва Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармаси 2003 йилнинг 14-15 апрель кунлари Тошкентда ўтказиладиган «Бизнес ва иқтисодиётни ўқитишда янгича ёндашувлар» халқаро конференциясида қатнашиш учун танлов эълон қилади.

Анжуман қатнашчилари таълимни ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари бўйича секция мажлислари ишида қатнашадилар.

Анжуманда иштирок этиш учун аризани тўлдириш ва уни 2003 йилнинг 28 мартидан кечиктирмай жўнатиш лозим. Ўринлар сони чекланганлиги боис қатнашчиларни саралаш чоғида асосий эътибор сизнинг тўлдирган аризангиз мазмунига қаратилади.

Анжуман ташкилотчилари саралашдан ўтган қатнашчиларнинг барча харажатларини: меҳмонхонада жойни бандлаш ва уни тўлаш, овқатланиш ҳамда транспорт харажатлари (бунга Тошкентга келиш ва кетиш йўл ҳақи ҳам киради), тўлашни ўз зиммаларига оладилар.

Анжуманда қатнашиш истаги бўлган барча номзодлар ариза намуналарини қуйидаги манзилгоҳдан олишлари ва уларни тўлдириб, юборишлари мумкин:

Ўзбекистон — Таълим Тармоғи.
700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй.
12-13-қават. Тел.: 998(71) 132-61-76, 132-61-77, 132-61-78
Факс: 132-61-70, email: dtulvaganova@career.kz

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2200 КИШИЛИК МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Аллоҳ назари тушган жаннатмакон юрт. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Шу қутлуғ диёрнинг порлоқ келажаги учун ҳар биримизга юракдан меҳнат қилиш, юрт бахт-саодати учун ёниб яшаш барчамизга насиб этсин. Ҳаётимиз сумалак тотидек ширин ўтсин. Эзгу ниятлар изҳор этиладиган бугунги қутлуғ кун арафасида биз ҳам Яратгандан юртимизда ҳамиша тинчлик, ҳар бир хонадонда осойишталик, бахт-саодат ҳукм суришини, дастурхони тўкин, ризқ-насибаси бутун бўлишини, фарзандларимиз камоли юксак-юксакларга бўй чўзишини чин юракдан тилаб қоламиз.

Муҳтарам юртдошлар! Севимли диёримизда бундай шодиёналар кўпаяверсин!

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси агентлик Бош директори ўринбосари Одил Ҳамроевга бобоси **ҲАМРО ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-47-80, 133-38-55 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDYLLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 247

16178 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA